

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Кўлёзма хуқуқида

УДК:330.1:331.6(575.1)

ЭЛЬМОНОВ БЕКМУРОД ЭРМАТ ЎҒЛИ

“ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЛОКАЛИЗАЦИЯНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ
ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ”

Мутахассислик: 5А230102-Иқтисодиёт (Реал сектор)

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди ва
химояга қўйилди

Илмий раҳбар

№ _____ Баённома «_____» 2017й.

(Ф.И.Ш)

«_____»
кафедраси _____

Илмий маслаҳатчи

«_____» 200____й.

(Ф.И.Ш)

Тошкент-2017

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
I. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг моҳияти ва унинг назарий концепциялари	8
1.2. Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг ҳуқуқий асослари ва имиёzlари	22
1.3. Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни локализациялаштириш ва унда автомобиль санотининг ўрни юзасидан хориж тажрибаси.	32
II. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Ўзбекистон саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнида давлатнинг ўрни	41
2.2. Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноатинилокализациялаш даражасини иқтисодий таҳлили	50
III. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
3.1. Ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнига инновацион янгиликлар ва инвестицияларни жорий этиш натижасида яратиладиган янги иш ўринлари	61
3.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси саноатида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	80
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	84

КИРИШ

Маълумки, мамалакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий деверсификациялаш шароитида ишлаб чиқаришни локализациялаш, яъни саноат ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида импорт ўринини босувчи деталлар, бутловчи қисимлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жаройини амалга ошириш янги иш ўринларини яратиш имкониятини кенгайтирумокда.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. “Ижтимоий-иктисодий ривожланишинг асосий устивор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқиёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас.”¹

Бозор иқтисодиётига асосланган миллий иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришда локализацияни чуқурлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш масалаларига илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг назарий-амалий аҳамиятга эга эканлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдиради.

Жаҳон бозоридаги талабнинг кескин тушиб кетиши ишлаб чиқариш хажмининг пасайиши глобаллизация жараёнларини мураккаблаштирумокда. Бу эса, ташқи бозорга харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш сўръатларни таъминлашни талаб этади. Шу билан бирга мамалакат иқтисодиётини ташқи иқтисодиётга боғлиқлигини камайтириш, маҳаллий хом-ашё ресурслари, ички имконият ва захиралари асосида импорт ўринини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда локализацияни чуқурлаштиришни талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамалакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi. www.press-service.uz

Тадқиқотнинг асосий мақсади–иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализацияни чуқурлаштириш жараёнида Ўзбекистонда янги иш ўринларини истиқболли йўналишлари ва бунда автомобил саноатининг ўрнининг илмий-назарий таҳлил этиш, тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Ишлаб чиқаришда локализацилашнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини илмий назарий жиҳатдан ёритиш, локализациялашнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш;
- Жаҳон автомобилсозлик саноатининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, автомобил ишлаб чиқарувчи мамалакатлар иқтисодиётида автомобил саноатининг ўрни, унинг локализациялашув даражасини таҳлил этиш;
- Автомобил саноатини локализациялашни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ўрганиш ҳамда янги таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг ҳозирги ҳолатини баҳолаб, унда “GM Uzbekiston” QКнинг ўрни ва унинг фаолияти кенгайтиришга қаратилган чора тадбирлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнига инновацион янгиликлар жорий этиш ва инвестицияларни жалб этиш натижасида янги иш ўринларини яратиш имкониятларини ёритиб бериш;
- Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси автомобил саноатида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражасини қиёсий таҳлили.

Ишлаб чиқаришни локализациялаш борасида классик мактаб вакиллари А.Смит ва Д.Рекардоларнинг мутлоқ ва нисбий устунлик назариялари, ишлаб чиқаришга иқтисослашиш, меҳнат тақсимоти ва капитал

оқувчанлигига бағишланган Э.Хекшир ва Б.Олин каби европалик олимлари назарияларыда ёритиб берилген.

Методологик ёндоушувлар бўйича ғарб олимларидан Е.Туюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, Е.Леш, Г.Мюрдаля, У.Изар каби олимлар ўз илмий изланишларини олиб борган. Россиялик олимлардан Н.Бранско, Н.Колосвский, Н.Некрасова, Р.Шниперлар хамда Республикализ олимлари томонидан А.В.Вахобовлар, М.Абулқосимов, Ф.Ф.Т.Эгамбердиев, К.Н.Абиркулов, Т.М.Ахмеев, Ш.Б.Имамов, И.И.Искандаров, А.А.Қадиров, А.А.Қаюумов, А.М.Содиков, А.С.Солиевларнинг илмий изланишларида урганилган.

Тадқиқот ишининг обьекти ва предмети. Мазкур тадқиқот ишининг предмети-иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялашни чуқурлаштиришда янги иш ўринларини яратиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот обьекти–Ўзбекистон Республикасининг автомобилсозлик саноати олинди.

Тадқиқот услублари-Илмий тадқиқот мавзусини ёритишда синтез ва анализ қилиш, тарихийлик-мантиқийлик, индукция, дедукция, илмий абстракциялаш каби усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, статистик маълумотлар асосида автомобилсозлик саноати ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш шу билан бирга ижтимоий иқтисодий жараёнларни прогнозлаштириш ва моделлаштириш усулларидан фойдаланилди. Молиявий ва иқтисодий таҳлил асосида тармоқ резервлари аниқланди, шу билан бирга маълумотларни таҳлил этишда маълумотлар жадвал, график, диаграмма, гистаграмма кўринишида таҳлиллар берилди.

Тадқиқот иши натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида ишлаб чиқаришда локализацияни чуқурлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш масалалари юзасидан чиқарилган хulosса ва таклифлардан, амалий тавсиялардан миллий иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришда локализацияни чуқирлаштириш орқали янги

иш ўрнларини яратиш масалалари юзасидан давлат мақсадли дастурларини, ишлаб чиқишида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек тадқиқот ишининг материалларидан олий ўқув юртларида “Меҳнат иқтисодиёти”, “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, “Иқтисодиёт назарияси” фанларининг баязи мавзуларини ёритишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг таркиби ва хажми. Илмий тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган. Биринчи боб “Ишлаб чиқаришида локализациялаш жараёнининг назарий ва хуқуқий асослари” деб аталиб, унда ишлаб чиқаришни локализациялашнинг моҳияти, унинг асосий йўналишлари кўриб чиқилади. Шу била бирга Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг хуқуқий таъминланганлиги, унинг рағбатлантирувчи омиллари ҳамда Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни локализациялаштириш ва унда автомобил санотининг ўрни юзасидан хориж тажрибаси ўрганилган. Иккинчи боб “Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнининг иқтисодий таҳлили” деб аталиб, ушбу бобда Ўзбекистон саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнида давлатнинг ўрни, автомобил саноатини локализациялаш даражасини иқтисодий таҳлили қилинган. Учинчи боб “Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялашни чуқурлаштириш жараёнида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари” га қаратилган булиб, унда ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнига инновацион янгиликлар ва инвестицияларни жорий этиш натижасида яратиладиган янги иш ўринлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси саноатида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари, автомобил саноатини («GM Uzbekiston» ҚҚ мисолида) ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва локализациялашни чуқурлаштириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш масалалари аҳамиятини иқтисодий-матиматик моделлари орқали баҳоланилади. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаринни локализациялаш жараёнида

Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноатида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

І.БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг моҳияти ва унинг назарий концепциялари

Иқтисодиётда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллий ҳомашё материалларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик жараён ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жаҳон хўжалигининг ривожланиши, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш эволюцияси билан узвий боғлик. Миллий иқтисодиётнинг байналлашувида халқаро савдо тарихий аҳамият касб этиб, унинг ривожланиши натижаси ҳозирги вақтда халқаро иқтисодий муносабатларни жаҳон хўжалигининг ривожланиши натижасида шаклланган мустақил иқтисодий тизим сифатида баҳолаш мумкин. XX асрнинг 90 йилларидан ҳозирга қадар жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви даражаси ошмоқда. Глобаллашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим тенденсиялари ҳисобланади.

Глобал иқтисодиёт таҳлилига оид тадқиқотлар ривожланган мамлакатлар олимларининг асарларида ўтган асрнинг 80 йилларида пайдо бўла бошлади. 90 йилларда “Глобал иқтисодиёт” тушунчаси иқтисодчилар ва сиёsatчилар орасида кенг тарқалди. Т.Левитт бу атамага “Милатлараро қудратли компаниялар ишлаб чиқариладиган товарлар бозорининг қўшилиб кетиши”,² деб тариф беради. Бу жараёнда турли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий кучлар, турли хўжалик соҳалари, саноат ва молия гурӯхлари, тармоқлар ва мамлакатларнинг манфаатлари тўқнаш келишида кўриш мумкин. Ишлаб чиқариш ва истеъмолда салбий ташқи омилларнинг оммавий тарқалишига олиб келади. Трансмиллий компанияларнинг глобал жаҳон бозорига чиқиши ва глобаллашув жараёнидан фойда олишга интилиши борасидаги кучли рақобатнинг юзага келиши, таннархнинг кескин тушуши,

²Среднесрочный обзор на высоком уровне. Доклад ЮНКТАД. срок пятая сессия. Женева, 1998г. 12 октября 14 с

миллий ишлаб чиқарувчиларни рақобатбардошлигини оширишнинг аҳамияти оша боради. Иқтисодий глобализатсиянинг аниқ тугал мақасади максимал даражадаги савдо ва маблағ, максимал даромад ортидан келишини этироф этади. Бу мақсад ортидан аниқ сиёсий тизим ва савдо алоқаларининг орқали бу муносабатни мустаҳкамлайди. Бу иқтисодиётнинг устунлигига таъсир этади. Натижада бунга радикал алтернатив йўналиш ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш пайдо бўлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш механизимининг ўрни ортиб боради. Маълум бир тармоқни маҳаллийлаштириш ёки мамлакат иқтисодиётни маҳаллийлаштириш жараёни билан кечади. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Маҳаллийлаштириш келажакда атроф муҳитни яхшилашни рағбатлантириш, кенг миқиёсда ҳимоялашга имкон беради.

Роб Ҳопкинснинг фикрига қўра ривожланаётган мамлакатларнинг “Big Society” кун тартибида локализатсия концептсияси ётади³. Маҳаллийлаштириш, Давид Камероннинг катта ғояси, шундай концепцияки, иқтисодий сиёsat маҳаллий даражада бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш, унинг аралашувида жамоа ишлаб чиқаришни оширишга қаратилишини талаб этади. Бунда асосий этибор локализатсияга қаратилган бўлиб, локализатсия–бу, шундай ғояки, унга қўра ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги масофани имкони борича камайтиришга харакат қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларининг талабини ички имкониятлардан фойдаланиб қондиришини қўллаб қувватлашни кучайтиришdir.

Мичаел Шуманнинг фикрига қўра маҳаллийлаштириш–бу, маҳаллий тадбиркорлар томонидан ички имкониятларни сафарбар этиб, маҳаллий моддий, метнат ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ички истеъмолни қондириш, яъни ўз эҳтиёжларини, талабини ўзи қондириш,

³ Measuring Economic Localization:Evidence from Japanese firm-level data,Kentaro Nakajima .Institute of Economic Research,Hitotsubashi.

импортга боғлиқлик даражасини камайтириш саналади. Бошқарув саноат корпоратсияси асосида амалга оширилади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов тақидлаганидек, чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бу-макроиктисодий мувозанатга эришиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлиги, халқаро иқтисодий тизимга интегратсиялашишдир.⁴

Мустақилликка эришгунча Республика иқтисодиёти оғир ахволда эди. Тоталитар тизимдан мерос бўлиб қолган буйракратизим, издан чиқан тармоқ структураси ва хом ашёга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисоиёти чукур худудий номутаносибликка ҳам маънавий, ҳам жисмоний экирган ишлаб чиқариш баъзаси иқтисодиётнинг танг ҳолатга келтирган эди.

Бу ҳолатдан чиқиш мақсадида Республика ўз олдига бир нечта жиддий муаммоларни ҳал этиши керак эди. Булар бир томонлама хом ашёга йўналганликни олдини олиш, тармоқ структурасини кескин ўзгартириш, иқтисодий номутаносибликни тугатиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга йўл очиб бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш муҳим саналар эди. Ишлаб чиққариш қувватини ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори даражасига тенглаштириш долзарб эди. Энг асосий масала-ҳудудлар бўйича модернизацияш ишларини амалга ошириш эди. Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов тақидлаганидек-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг табиий ресурс, меҳнат патенциали тўлиқ ишлатилмаётган эди⁵.

Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг биринчи босқичига қўйдаги муаммоларга аниқ ечим топиш лозим эди:

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 209 б

⁵ Каримов И.А. Узбекистан по пути экономических реформ. Т.: «Узбекистан». 1995. с.211.

- Иқтисоднинг қайси йўналиши, саноатнинг қайси тармоғи етакчи ва уларнинг қайси бирининг ривожланишига сайи-ҳаракатлар йўналтирилган бўлиши керак;
- Қайси воситалардан қайси манбалардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш керак токи, у ҳам ички ҳам дунё бозорида талабга эга бўлсин;
- Қандай қилиб ўзимизда ишлаб чиқариш маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби маслалар турар эди.

Бу даврда юқоридаги муаммоларга ечим топишнинг долзарблиги шубҳа уйғотмайди, чунки ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишнинг оптимал метод ва йўлларни қидириш Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар узвий боғлиқ эди.


Бу борада 2006 йил 22 июн ПҚ-386 қарорига асосан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури муҳим ўрин тутади. Унинг асосий мақсад-миллий иқтисодиётни барқарор ва динамик ривожланиши, унинг ташқи иқтисодиётга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни олиб киритиш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш, натижада замонавий ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, валюта ресурсларини тежамкорликни ошириш ва ратсианал фойдаланиш шу билан бирга янги ишчи ўринларини ташкил қилиш белгиланган эди.

“Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” ишлаб чиқаришни жойлаштириш назарияси билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга у-қишлоқ хўжалиги штандорти назарияси билан ҳам боғлиқ бўлиб, унинг асосчиси немис иқтисодчиси Й.Тюнен ҳисобланади. Штандорт (стандорт) атамаси немис тилидан таржима қилинганда жойлашув маъносини беради. Жойлашув назарияси 1826 йилда Й.Тюненнинг “Қишлоқ хўжалиги ва миллий иқтисодиётга давлат таъсирини камайтириш” асари билан боғлаш мумкин. Й.Тюненнинг фикрига кўра давлат иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига

концентратсиялаш, яъни унинг назариясига кўра транспорт харажатлари ва бозорнинг жойлашувига катта аҳамият бериш муҳим саналади.

Жойлаштиришнинг яна бир назарий асоси сифатида В.Лоундхарднинг “Саноат корхоналарнинг ратсианал штандорти” китобида маълум бир саноат корхонаси хом ашё манбаси ва бозордан оптималь масофада жойлаштириш назариясини келтириш мумкин.

В.Лоундхарнинг жойлаштириш назарияси Й.Тюнен назариясидек транспорт харажажатлари етакчи ўринда туради. Бунда ишлаб чиқариш харажатлари барча ҳудудларга нисбатан бир хил деб олинади. Корхонани оптималь жойлашириш, юкларни ташиш ва ҳудудлар ўртасидаги масофа билан таққосланади. В.Лоундхард бу масалага таққослаш учурчаги ёндашувидан фойдаланади(1.1.1-расм).



1.1.1 расм. В.Лоундхарднинг ишлаб чиқариш харажатларни таққослаш учурчаги.

Янги метолургия заводини жойлаштириш масаласи деб қарасак-темир рудасини қазиб олиш пункти-А нуқта, кўмир қазиб олиш пункти-Б нуқта ва метал бозори-С нуқта. Транспорт таърифи т (1 т/км). 1 тонна метал олиш учун руда харажати-а; кўмир харажати-б. Пунктлар ўртасидаги масофа ҳам аниқ: АС=С1; БС=С2; АБ=С3.

Металургия заводини жойлаштириш ҳар учала нүктада бўлиши мумкин (булар руда манбаси, кўмир манбаси ва металл бозори). Бу шароитда 1тонна метални ишлаб чиқариш учун кетадиган юкларни ташиш харажатлари куйдагига тенг:

- ($B C_3 + C_1$)т – заводни А нүктада жойлаштирганда;
- ($a C_3 + C_2$) т – заводни Б нүктада жойлаштирганда;
- ($a C_1 + C_2$)т – заводни С нүктада жойлаштирганда.

Заводни жойлаштиришнинг энг самарали нүктаси транспорт харажатлари минимал бўлган нүктадир, бироқ изланган нүкта учала нүктанинг ҳеч бирида эмас, балки бирор М нүктада жойлашган бўлиши мумкин. М нүктадан учбурчак учларигача бўлган масофа: $A M = p_1$, $B M = p_2$, $C M = p_3$. Бунда заводни М нүктада жойлаштирганда транспорт харажатлари $T = (a p_1 + b p_2 + p_3) t$. $T > \text{мин}$ корхонани оптимал жойлаштириш нүктасини беради.

Бу масаланинг геометрик ечимида локатсион учбурчакнинг ҳар бир томонида учбурчак ташкил қилинади (томонлар а:б:1 нисбатда) ҳамда учбурчакка айланалар чизилади ва бу айланалар кишишган жой транспорт харажатларнинг минимуми ҳисобланади. Бу методнинг учбурчак C_1 , C_2 , C_3 томонларининг ўзаро мутоносиблигида ўринли. Тескари ҳолатда ($C_1 > C_2 + C_3$) тарансорт харажатлари минимуми локатсион учбурчакнинг бирор учига тўғри келиб қолади⁶.

А.Вебернинг жойлаштириш назариясига кўра ишлаб чиқаришни жойлаштириш унинг муҳимлигига кўра аниқланади. А.Вебер жойлаштириш омили сифатида иқтисодий фойдани кўрсатади. Унинг фикрича иқтисодий фойда хўжалик фаолияти ва унинг жойлашган ўрнига боғлиқ. Бу фойда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришни билдиради, шу билан бирга айнан шу маҳсулотни маълум бир жойда бошқа жойга нисбатан камроқ харажат қилиб ишлаб чиқаришни кўзлайди. Натижада А.Вебер жойлаштиришга боғлиқ бўлмаган барча

⁶ А.И. Гаврилов. Региональная экономика и управление. М.: ЮНИТИ, 2002, С. 26.

харажатларни чиқариб ташлайди. Фақатгина учта омилни қолдиради, яъни хом ашё материал харажатлари, ишчи кучига ва транспорт харажарлари. Бироқ улардан биринчисини, материал харажатларни ҳар хил транспорт харажатларида акс эттириш мумкин. Қолган барча вазиятларни “агламерат кучларини бирлаштириш” ёки учинчи штандорт омил сифатида қараш мумкин⁷.

А.Вебернинг жойлаштирув назарияси алоҳида, абстракт ҳудуд моделига асосланган бўлсада у ҳудудда ишлаб чиқаришнинг иккита асосий тамоилини ишлаб чиқаради:

1.Макроиктисодий ёндашув асосида алоҳида корхоналарни жойлаштиришнинг оптимал ечимини методологик тизимини қуриш мумкин;

2.Алоҳида корхоналар харажатларини камайтириш унинг жойлаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз мустақилликнинг ilk йилларида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ демократик давлат барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди. “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатига эга бўлган кучга эга булишдир”⁸. Комплекс объектив кўрсаткичлар иқтисодиётнинг қалтис вазиятида иқтисодий фаолиятни лебераллаштиришни жадаллаштириш ва жаҳон хўжалиги тизимидағи алоқаларни интегратсиялашувини юзага келтирди.

Кейинчалик уй хўжалигидаги иқтисодий муносабатлар республика истеъмол махсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунда истеъмол таварлари билан бир қаторда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга кенг урғу берилди.

Бу йилларида истеъмол молларига талабни таъминлаш, ички бозорни озиқ–овқат ва ноозиқ–овқат таварлари билан таъминлаш, зарурӣ техник ва технологик таварларни импорт қилиш мамлакатнинг иқтисодий юксалиш

⁷ А.Вебер. «О размещении промышленности: чистая теория штандорта.».

⁸ Karimov I.A.O’zbekiston iqtisodiy islohatlarni chuqurlashtirish yo’lida .T.,”O’zbekiston”1995 yil, 9-bet

имкониятларини янги техника ва технология асосида кучайтириш, келгусидаги иқтисодий тармоқлар учун замин яратди.

Республикадаги таркибий ўзгариш, бозор инфраструктурасининг асосий вазифаси-ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини халқ хўжалигининг барча тармоқларида техникавий қайта қуролланишини хисобга олган ҳолда шакллантириди. Ҳудудий ўзгаришларнинг стратегик мақсади ўзида:

- импортсигими самараси орқали импортни қисқартириш, иқтисодий мустақилликка эришиш, ўз-ўзини энергия ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш;
- хом-ашёга йўналтирилганликдан замонавий ва рақобатбардош таркибий ривожланган иқтисодий структурага асосланиб иқтисодиётни диверсификатсиялаш;
- мустаҳкам ва барқарор валютага эришиш мақсадида мамалакатнинг экспорт салоҳиятини ва валюта резервини ошириш;
- бандлик ва аҳолининг яшаш шароитини ошириш имкониятларини кенгайтиришни мужассам этади.

Бу тамойиллар бозор ислоҳотларининг миллий моделига барқаролик ва ҳудудларда ҳамда бутун мамалакатда иқтисодий ўсиш ва хўжалик алоқаларини интегратсиялаш шартларига эришиш сифатида киритилган. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда импорт ўрнини босиш жараёни импортни ўзининг технологик ва истеъмол товарларига алмаштириш йўли орқали борган. Ҳудди шундай, бир қатор мамлакатлар (Осиёнинг янги индустрисаллашган мамлакатлари, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия ва Хитой) иқтисодиёти импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлари ва истеъмолчи талаби учун зарур бўлган оддий маҳсулотлардан уларни ишлаб чиқариш учун воситалар ишлаб чиқариш учун зарур қисмлар яратишдан келиб чиқсан. Импорт ўнини босиш жараёни билан бир вақтда ўз экспортини ҳам этиштирган мамалакатлар катта ютуқларга эришган.

“Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” дастури асосида молиялаштириш лойиҳаларни эффектив танлаш уларнинг кенг

қамровлилигига йўналтирилган методик тавсияларга асосланади. Тавсиялар жаҳон тажрибасида қўлланиладиган методологияларга асосланади ва тараққиётнинг БМТ томонидан таклиф этилган методлар билан мослаштирилади.

“Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” дастури ишлаб чиқишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ✓ Мамлакатнинг мустаҳкам ривожланиш стратегиясини реализатсия қилиш, иқтисодий, мудофаа, илмий, ижтимоий ва бошқа асосий вазифаларни ҳал этиш;
- ✓ Кенг миқёсли ҳудудий ва тармоқли муаммолар иштирокчилиари фаолиятни мувофиқлаштириш ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш;
- ✓ Бир йилдан беш йилгача бўлган муддатда аниқ тугал натижага эришиш ва зарурӣ ижтимоий-иқтисодий самара олиш;
- ✓ Дастур буюртмачилари ва ижроҷиларининг ўзаро маъсулиятлилиги.

Дастурни ишлаб чиқиш муаммоларни танлаш, ишлов бериш учун ечимга келиш, кутилаётган дастурларни асослаш, самарадорликни экспертиза қилиш ва баҳолаш ҳамда тасдиқлаш ва ижро этилишини назорат қилишни мужассамлаштирган.

Муаммолар ечим топишида мақсадлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўллари, умуммамлакат талаби ва молиявий ресурслар прогнози, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолати анализи, ташқи иқтисодий шароитларига асосланади.

Шунга кўра дастурнинг асосий мақсади-мавжуд бўлган маҳаллий ҳом ашё, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат потенсиалининг мобилизатсия ва ратсионализациясига асосланган рақобатбардош импорт ўрнин босувчи ишлаб чиқариш учун кулай шароит яратиб беришdir.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни экспортга мўлжаллаш энг самарали хисобланади. Бу ички бозордан импорт маҳсулотларни сиқиб чиқаради, экспорт фойдасини оширади ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини сифатли янгилайди.

ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари

маҳаллийлаштириш даражаси

маҳаллий ишлаб чиарувчилар томонидан ўзлаштирилиши тавсия этиладиган махсулот турлари руйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматинин қарорлари ва унинг ижроси

1.1.2 расм. Маҳаллийлаштириш дастурида юқоридагилар мужассамлаштирилган:

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни тармоқ жихатидан ўзгартиришнинг энг муҳим манбайи ва омилидир.⁹

Мамалактимизда маҳаллийлаштириш дастури-бу тайёр махсузлар, бутловчи қисмлар ва материалларининг маҳаллийлаштириладиган турларини саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришга қаратилган дастур ҳисобланади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий ҳом ашё ва ишлаб чиқариш

⁹ 2015 йилда иқтисодиётимизнинг туб таркибий ўзгаришларини амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларининг изчил давом эттириш хисобиан хусисий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йул очиб бериш нинг устувор йуналишлари. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йида ижтимоий иқтисодий ривожлантириш ва якунлари ва 2015 йилга мулжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йуналишларига бағишенган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси <http://www.press-service.uz>

ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қўйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооператсия алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооператсияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва х.к.

Маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўйидаги имтиёздар жорий этилди:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) ларни етказиб бериш учун чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган, ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) ларни етказиб бериш учун тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг

тастигини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурлрнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимиға интегратсиялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.”¹⁰ Демак, жаҳон иқтисодиётодаги вазият миллий иқтисодиётимизга таъсир этмасдан кўймайди. Шунинг учун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга қарши чора тадбирлар кўрилганлиги мақсадга мувофиқ саналади. Юртимизда амалга ошириаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурида ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилган бўлиб, булярнинг ичидаги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шу билан бирга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тақидлаганидек, “Мамакатимизни иқтисодий ривожланишига қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг пойдевори мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигни ошириш ва мавқийни мустаҳкамлашга йўналтирган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларни жадал ривожлантириш устувор йўналишдир”¹¹. Рақобатбардошлик ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тушунчаларига аниқлик киритиб олиш муҳим саналади.

¹⁰ I.A. Karimov “Vatanimizning bosqichma-bosqich va barqaror rivojlanishini ta’minlash-bizning oliy maqsdimiz” –T.: O’zbekiston, 2009, 36-45 betlar

¹¹ I.A.Karimov.barcha reja va dasturlarimiz Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirish, xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi. 2010 yilda mamlaktimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2011 yilga mo’ljallangan eng muhim ustuvor yo’nalishlarga bag’ishlangan O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma’ruzasi. Xalq so’zi, 2011 yil 22 yanvar.

Рақобатбардошлиқ-мавжуд энг яхши ўхшаш объектларга нисбатан аниқ өхтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи объектив хусусиятидир. Товар рақобатбардошлигининг асосий тузувчилари унинг истеъмол хусусиятлари ва нархидир. Товарларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг ўз-ўзидаң кўриниб турган усуллари ишлаб чиқариш харажатлари даражасини истеъмолчи харажатлари даражасидан пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ёки истеъмолчи сотиб олгандан кейин товарга қилинадиган хизмат сифатини оширишдир.

Ишлаб чиқаришни маҳаллияштириш-саноат ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида импорт шаклда харид қилиш орқали қўлланувчи деталлар, бутловчи қисимлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жаройини.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра, республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жовоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси қўйдаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:¹²

УЛ=(1-И/C)*100%, шу билан бирга $0 \leq I < C$ бунда :

УЛ-маҳсулотни маҳаллийлаҳтириш даражаси;

И-импорт қилинаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг сўмларда ифодалангандан валюта қиймати;

С-маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи.

(Маҳаллий етказиб берувчилардан сотиб олинадиган импорт хом ашё маҳаллий хом ашёга нисбати.)

Импорт ўрнини босиши самараси маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарлган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар

¹² Qounun hujjatlar to'plami, -Т.: 2005

натижасида тежалган импорт махсулотлари қийматига айтилади. Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш, ишлаб чиқаришни деверсифекатсия қилиш, давлат томонидан барқарор ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилади.

1.2. Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг хуқуқий асослари ва имиёзлари

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнини хуқукий томондан тартибга солиниши иқтисоддий муносабатларни тартиблайди. Нафақат иқтисодий муносабатларни балким атроф мухит, экология билан юзага келадиган муаммоларни олдини олади. Мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий-ижтимоий ислоҳатларининг замирини айнан шулар ташкил этади. Энергия тежавчи, замон талабларига жавоб берувчи, экологик тоза маҳсулотларга талабнинг ошиб бораётганлиги бунга мисол бўла олади.

Республикада автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 342-сонли қарорига мувофиқ 2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хомашё асосида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига кўра ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулотлар импортини қисқартириш, маҳаллий хомашёдан жаҳон стандартларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш хажимларини кўпайтириш, шунингдек давлатнинг валюта сарф-харажатларини мақбуллаштириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш асосида саноатда таркибий қайта ўзгаришлар ҳисобига иқтисодийтнинг баланслигини таъминлашга қаратилди. Бу дастур “Узавто саноат” ўюшмасида тугалланган технологик скилл маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни имконини берди. Автомобил саноатида маҳаллийлаштириш дастури автомобил маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва ташқи етказиб берувчилларга боғлиқликни камайтиришга асос солди.

Автомобилсозликда 7 та қўшма корхона фаолият бошлаб, ўриндиқлар, бамперлар, шовқинни пасайтиргич мосламалар, ёнилғи баклари ва йирик қолипланган деталлар, ички безак деталлари, ғилдиракнинг дисклари,

автомобил эмали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Республиканинг қариб 20 та корхонаси автомашиналар учун 150 номда деталлар ишлаб чиқаришни бошлади. Фаргона водийсининг зич жойлашган туманларида 2400 дан ортиқ ишчи ўринлари ташкил этилди. Импортда бутловчи буюмлар олиб келиш иилига 58 млн АҚШ доллардан ортиққа қисқарди. Махсулот таннархи 10 фоизга камайди, бутловчи буймларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 42 фоизгача етказилди.¹³

Иккиласми маҳаллийлаштириш, яъни ёрдамчи корхоналринг ўзлари учун импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш жараёни бошланди. Масалан, “УзДонгЖу Пент” қўшма корхонаси автоэлементлардан фойдаланган ҳолда “Уз-Корам” қўшма корхонасида тайёр автомобилнинг рангига мос равишда бўялган бамперлар ишлаб чиқариш бошланди. “УзСемЮнг” қошма корхонаси “Уз-корам” қўшма корхонаси учун приборлар панелларини қолиплашни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 августдаги 405-сон қарорига мувофиқ Автомобил саноатини бошқариш тузулмасини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси кенгашининг уюшмани очик акциядорлик жамияти шаклидаги “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясига айлантирилди ва унинг ҳуқуқий ворисига айланди. Асосий вазифаларига ўрта ва узок муддатли истиқболда автомобилсозликни барқарор ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқариш, тармоқда ягона илмий–техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, рақобатбардош махсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорига кириб боришига кўмаклашиш, тармоқ корхоналрини замонавийлаштиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсад учун хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, етакчи хорижий фирмалар билан биргаликда автомобил

¹³ Vazirlar mahkamasining 2000 yil 5 sentabrdagi 342–sonli qarori

транспортининг замонавий турларини, улар учун бутловчи буюмлар ва деталларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш, автомобил тармоғи корхоналри ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш, тармоқ учун малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашни, менежментнинг замонавий методларини эгаллаган, бозор шароитида самарали ишлашга қодир бўлган бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш кабилар белгиланди.¹⁴

2006-2008 йилларда бу дастур ўз давомини топди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мустаҳкамланди. Махсус комисса тузилиб мониторинг ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган кохоналар 2009 йил 1 январигача:

1. Четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамизда ишлаб чиқарилаётган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона йифимлари бундан мустасно);
2. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўловларини тўлашдан;
3. Маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

2006 йил 14 декабр ПҚ-531-сони билан Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор қабул қилнди. Унга кўра Ўзбекистонда автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, республика автотранспорт воситалари паркини тўлдириш ва янгилаш, шунингдек йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини ошириш ҳамда

¹⁴ www.lex.uz

атмосферага заарли чиқндилаар чиқаришни қисқартириш мақсади қўйилди. Шу ўринда “Ўзавтосаноат” АК Туркияning “Коч” компаниялари гуруҳига тегишли “СамКочавто” ЙТАЖ акцияларининг 50 фоизини сотиб олди, натижада корхона 100 фоизлик Ўзбекистон капитали билан “Самарқанд автомобил заводи” МЧЖга айлантирилди.

Заводда “ИСУЗУ Моторс” компанияси (Япония)да ишлаб чиқарилган шассиларда автобусларни серяли ишлаб чиқариш бошланди, уларни етказиб бериш “ИТОЧУ Корпоратион” ҳамда “ИСУЗУ Моторс” компаниялари билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш режалари ишлаб чиқиши назарда тутди.¹⁵

“Ўзавтосаноат” АК ва “Асака” банкининг “Самарқанд автомобил заводи” МЧЖ маҳсулотларини лизинг асосида сотиш учун 6 млрд сўм бошланғич устав капиталига эга бўлган 5 йил муддатгача ва лизинг компанияси даромад ставкасини йилига 5 фоиздан оширган ҳолда “Ўзавтосаноат-Лизинг” ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш ва бу компаниядан биринчи марта харид қилган харидорлар Республика йўл фондига йиғим тўлашдан 2010 йилнинг 1 январигача озод қилиш имтиёзи белгиланди. 2007 йил 1 мартдан бошлаб экологик заарар келтурувчи, турли чиқиндилаарни ишлаб чиқариш воситаларини олиб келиш тақиқланди.

2007 йил 24 июл ПҚ-675-сон “ЎзДЕУавто” акциядорлик жамияти автомобиларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг Седан “Шевроле эпика (ДЕУ “Тоска”) 1008 дона, йўлсиз жойларда юра оладиган “Шевроле Каптива” (ДЕУ “Винсторм”)-696 дона, минивен “Шевроле такума” (ДЕУ “Реззо”)-888 дона янги автомобиллар моделларининг йирик блоки ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни тақдимотини 2007 йилнинг 13-14 сентябри мобайнида ўтказиш тўғрисида таклифлар қабул қилинди. Ушбу моделдан тушгам маблағлар “Ўзавтосаноат” аксиядорлик компаниясининг жамғарилиб бориладиган маҳсус хисоб

¹⁵ www.lex.uz

рақамига йўналтирилади. Керакли бутловчи материаллар импорти учун валюта ички бозорда мазкур моделдаги автомобилларнинг 50 фоизгача қисмини амалдаги қонун ҳужатталрга мувофиқ, республика тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкалари ёрдамида мижозларнинг валюта ҳисоб рақамидан хорижий валютада сотиш йўлга кўйилди. Келтириладиган бу русум учун бутловчи буюмлар ва узеллар божхона тўловидан озод этилди. Бозордаги таклифнинг ўзгариши автомобил саноатини модернизациялашни тезлаштириб, 2008-2009 йилларда автомобил саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш датури Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 декабрдаги ПҚ-741-сонли қарори билан тасдиқланди. Унга кўра автомобил саноатини янада барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, автобуслар ва бутловчи буюмлар сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажмларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида қўйидаги вазифалар белгиланди:

- ✓ Автомобил саноати учун тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ўстиришнинг барқарор юксак суръатларини таъминлаш ҳамда шу асосида ички бозорда автомобил маҳсулотларига бўлган талабни-эҳтиёжни қондириш даражасини янада ошириш, экспорт солоҳиятини кенгайтириш;
- ✓ Автотранспорт воситаларининг бутловчи қисмлари ва узеллари ишлаб чиқаришни чуқур маҳаллийлаштириш;
- ✓ Юқори унумли илғор технологиялар ва ускуналар жорий этиш йўли билан автомобилларни хавфсизлик, сифат ҳамда экологик характеристикалари бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган янги замонавий моделларни ишлаб чиқиши ўзлаштириш кабилардир.

Дастур ижроси тегишли раҳбарлар зиммасига юклатилиб, мақсадли прогноз параметрларига тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда эришиш ва лойиҳаларни амалга ошириш, кенг миқиёсда лойиҳа ҳужжатларини ўз

вақтида ишлаб чиқариш, келишиб олиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, белгиланган параметрлар доирасида олиб келинадиган ускуналар, двегатилар, трансмиссиялар, материаллар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик ҳужжатлар ҳамда автомобил махсулотлари ишлаб чиқариш жиҳозлари, шунингдек автомобилларни йирик блокли йирик тўпламлари 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан озод этиш белгиланди.

2008 йил 26 декабр 279-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган “General Motors Powertrain-Uzbekistan” корхонасини қуриш дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йи 28 майдаги “2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш Дастури тўғрисида” ги ПҚ-879-сон қарорига кўра белгиланган корхоналар 2008 йил 28 майдан 2011 йил 1 январгача қўйдагиларни тўлашдан озод этилади:¹⁶

- Четдан келтириладиган технологик асбоб–ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган махсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштириш йигимлари бундан мустасно) дан;
- Маҳаллийлаштириш лойихаари бўйича ишлаб чиқарилган махсулотлар бўйича фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан;
- Маҳаллийлаштириладиган махсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокида “GM Uzbekistan” қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида”

¹⁶ www.lex.uz

2008 йил 21 февралдаги ПҚ-800-сон қарорини бажариш юзасидан, 2010 йилнинг 3 чорагида замонавий хавфсизлик, қулайлик ва дизайн талабларига жавоб берадиган “М300” моделдаги автомобилларни сериялаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан Асака автозаводининг маҳсулотининг турини янгилаш мақсадида 2008 йил 26 сентябрда “Женерал Моторс Ўзбекистон” ёпиқ аксиядорлик жамияти билан “Женерал Моторс ДЕУ Авто Андижон технология” компанияси ўртасида “М300” моделдаги автомобилдан йилига 50 минг автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлишни назарда тутади.

2009 йилда ҳам саноат кооперацияси асоссида тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг аҳамияти ориб борди ва янги йўналишлар қабул қилинди. Дастурнинг мақсадли давоми 2010 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,45 баробар ўсишини назарда тутади. Товар бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозордаги улуши 80 фоизни ташкил этса бозор тўйинган деб баҳолаш мезони критилди.

Дастур доирасида ўзлаштиришга таклиф қилинаётган таварга нисбатан аниқ мезонлар:

- Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун қувватлар ва маҳаллий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;
- Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни маҳаллийлаштиришнинг камида 33%и га етказишни;
- Охирги маҳсулот товар позицисясининг дастлабки хом ашёга нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятнинг тавор номенклутураси коди бўйича камида дастлабки тўртта белгисадан камида биттаси даражасида ўзгаришига эришиш;
- Маҳаллийлаштирилдагиган маҳсулотга ташқи ва ички бозорда талабнинг борлиги;
- Худди шундай маҳсулотниинг импорт қилиниши (янги товар булмаса);

- Махсулотнинг потенциал истемолчилари билан шартномалар ва дастлабки келишувлар булиши;
- Маҳаллийлаштириладиган маҳсулот нархининг шундай импорт қилинаётган маҳсулот нархидан баланд булмаслиги лозим.

1.2.1 жадвал.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарга нисбатан берилган солиқ ставкалари¹⁷

№ Тўлов тuri		Фоизда	
		2016 йил солиқ ставкаси асосида	Маҳаллийлаштирилган корхоналар ва автокомпаненталрни етказиб берувчилар
1	Фойда солиги	7,5%	Озод этилган
2	ККС	20 %	Озод этилган
3	Ер солиги	100\$ - 43,000\$ гектарига худудлар бўйича	
4	Мулк солиги	5%	Озод этилган
5	Ижтимоий фонд		25 %
6	Мактаб фонди		0,5%
7	Пенсия фонди		1,6 %
8	Республика йўл фонди		1,4 %
9	Инфратузулмани ривожлантириш ва ободонлаштириш учун солиқ		8 %
10	Божхона толовлари	Мажбурий тўлов (5-40%) акцис солиги(10- 20%) импорт божи (20%)	Озод этилган

¹⁷http://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/2017_yilda_soliqlar_va_boshqa_majburiy_tulovlar_stavkalaridagi_uzgarishlar

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган, автомобил учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчилар, компонентлар билан таъминлаб берувчи корхоналарга солиқ тўловларида имтиёзлар бўлиб, улар юқоридагича(1.2.1 жадвал):¹⁸

Маҳаллийлаштириш дастурига иштирок этаётган корхоналарга берилган имтиёзлар:

- Олиб крилаётган технологик жихозлар ва унга эхтиёт қисмлар, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган хамда республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва компонентлар учун божхона туловларидан озод этилган;
- Маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот кесмида фойда солиги ёки ягона солиқ туловидан;
- Маҳаллийлаштириш лойиҳаси кесмида ишлаб чиқариш фондлари миқиёсида мол-мулк солигидан озод этилади.

Берилган имтиёзлар бўйича озод бўлган маблағлар фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, амалдаги ишлаб чиқаришни реконстуксия қилиш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлаш, сифатни бошкариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материалларни сотиб олишга юналтирилиши лозим.

“Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди”¹⁹. Хусусан:

- Асосий ўзгаришлардан бири маҳаллийлаштириш лойиҳари паспортини электрон форматда тақдим этиш имкониятидир;
- Маҳаллийлаштириш даражасига эришиш мезонининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг камида 33 % миқдорида ўзгариши.

¹⁸ “Moliya va iqtisod “jurnali –M.: 2013.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ 1236 сонли қарор

Илгари бу кўрсаткич камидаги 30% даражада бўлган. Кўрсаткич тайёр маҳсулот таркибида маҳаллий хом ашё ва бутловчилар улушининг ошириш мақсадида ўзгаририлди;

•Лойихалар ташаббускорлари томонидан ишлаб чиқариш қувватлари доирасида Махсус идоралараро комиссия ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишмасдан маҳсулот хажмини ошириши. Илгари бундай ўзгаришлар тегишли органлар билан келишилган тарзда олиб борилган;

•Экспортга йўналтирилган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни назарда тутувчи корхоналарининг ўз лойихаларининг маҳаллилаштириш дастурига киритишдаги устунлик хукуқи.

1.3.Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни локализациялаштириш ва унда автомобиль саноатининг ўрни юзасидан хориж тажрибаси

Мамлакатда барқарор ижтимоий тарққиётга эришиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлиги даражасининг ошиши орқали намоён булади. Янги иш ўринларини яратиш, бандлик, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ишлаб чиқаришнинг даврийлиги билан боғлиқ. Янги иш ўринларини яратиш меҳнат ресурсларининг минтақалар бўйича тақсимланиши, минтақаларнинг табий шароити, потенциали, урбанизациялашув даражаси минтақанинг айнан қайси тармоқ ривожи учун ички имконияти, ўзига хос устун томони бор эканлиги, минтақада мос ишлаб чиқаришни йўлга кутиш, маҳаллий хом ашё материаллари асосида ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнига туртки бўлади. Натижада ахолини меҳнатда бандигини ошириш мақсадида самарали, қушимча қиймат яратувчи соҳаларда кенг миқиёсда янги иш ўринларини ятатиш имкониятлари кенгаяди.

Ахоли бандлигини ошиши, турмиш даражасининг яхшиланиши урбанизациялашув (эндоген ва экзоген омиллар таъсирида), шаҳарларнинг пайдо булиши, уларнинг массиштабининг кенгайиши билан тўғри пропорционал. Шундай бўлсада, урбанизациялашув жараёни айнан қайси омиллар таъсирида юзага келганини урганиш қийин, лекин сантоат маҳсулотларни йиғиши, унга бутловчи маҳсулотларни етказиб бериш сезилари таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, эндоген омиллар иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларини аниқлаштиради, саноат маҳсулотларни йиғишини кенгайтиради. Ҳендерсен (1997) такидлаганидек, саноат маҳсулотларини йиғиши икки йўналишда олиб борилади: иқтисодиётни урбанизациялаш йўналиши (Жокобсдан сўнг 1969 йил); саноат маҳсулотларини локализациялаш йўналиши (Маршал, 1920; Аров, 1962; Роммер, 1986. Қисқача “МАР” ҳам деб номланади).²⁰ Бу йўналишларнинг иккиси ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат

²⁰Douth, Wolfgang “Agglomeration and reginal employment growth”- IAB-Disscussion Paper , №7/2010

қилади. Уларнинг асосий фарқи саноат маҳсулотларни йиғишнинг интеншив усули маълум шаклда олиб борилишидадир. Саноат маҳсулотларини локализациялаш икки хил майнода қўлланилади, “МАР” талқинига кўра саноат маҳсулотларини бир-бирига яқин тарзда жойлаштиришни кўзласа, иккинчи кўзланган мақсад “Кластр” хосил қилиш (Портер 2003 йил). Кластр хосил қилишда ўзаро алоқадор корхоналарнинг географик жихатдан марказлашуви, етказиб берувчиларининг ихтисослашуви, хизмат қўрсатиш, саноатининг ўзаро боғлиқлиги билан характеристиранади ва институтларнинг ассасациясини хосил қиласи маълум минтақаларда, лекин ўзаро рақобат асосида фаолият олиб боради ва кооператив тарзда бошқарилади. Масалан: унверстетлар, стандартлаштириш агентликлари ва савдо ассасациялари.

Ишлаб чиқаришни локализациялашнинг пайдо булиши ва унинг ўсиши минтақалар кесимида иқтисодий ихтисослашуви билан боғлиқ. Ихтисослашувни аниқлашда Беадурй ва Сиффаурова²¹ (2008 йил)ларнинг минтақалар бўйича ҳисобланаган ўлчов бирликлари, яъни локализациялашув даражаси, саноат тармоқлари бўйича бандлик даражаси, реал сектор тармоқлари бўйича тармоқларнинг ўзаро боғлик технологик даражаси (иқтисодиёт тармоқлари бўйича, Кўшилган қиймат бўйича, капитал қуйилма бўйича ҳам ҳисобланган) катта ахамият касб этади.

Ишлаб чиқаришни локализациялаш ва урбанизациялашув даражаси тўғрисидаги қарашлар мунозарали ҳисобланади. Хусусан, 2001-2005 йиллар оралиғида Италиядаги минтақаларнинг инфармцион технологиялар унинг аҳоли бандигини даражасига таъсирини аниқлашда Лазагни (2011 йил) “Local Labour Market (LLM)” Минтақаларда маҳаллий меҳнат бозорининг ўрнини аниқлашда фойдаланган, лекин информацион технологиля аҳоли бандлиги сезиларли даражада оширмади. Шу at el (2009 йил) инфармацион технологияларнинг саноат маҳсулотларини йиғиш даражасини оширишга

²¹ Catherine Beaudry*, Andrea Schiffauerova “Who’s right, Marshall or Jacobs? The localization versus urbanization debate” Research Policy 38 (2009),-C.: 318–337 journal homepage: www.elsevier.com/locate/respol

тасирини Германия мисолида 2003-2007 йиллар оралигини таҳлил қилган холда ихтисослашув ва урбанизациялашув орасидаги боғлиқликни аниқлади, лекин бу минтақанинг хажми катталиги урбанизациялашувни чуқурлаштирадиган фикр ўзини оқламади. 2004 йилда Эжермо Жакопнинг гепотезасини бойитиб Хендерсиннинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини аниқлашда унинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажми ва ишчи меҳнат унумдорлигига эластиклигини аниқлаштириди. Унинг хулосасига кўра катта минтақаларда ишлаб чиариш потенциали юқори, чунки саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш чуқирлаштирилган. 1992 йилда Глаесер эт эл АҚШнинг 170 та худудида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни чуқурлаштириш аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий тасири кўрсатганлигини аниқлади. Бошқача айтганда, саноат төхнологияси ва аҳоли бандлиги ўртасидаги боғлиқлик деарли йуқлигини кўрсатди.

Умуман олганда, олиб борилган тадқиқотларининг кўпчилигига Маршалнинг ишлаб чиқаришда локализацияни чуқурлаштириш, саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш иқтисодий ўсиш ёки инновацион ишлаб чиқаришга ижобий тасири кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқариш тармоқлари таркибида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишларига асос булади.

Л.В.Стрелкова, С.С.Кабановлар “бир томондан иқтисодий ўсиш келажакда янги иш ўринларини яратиш имконини берса, иккинчи томондан харажатларнинг камайиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришда самарадорликнинг ўсиши каби жараёнларнинг ривожланиб бориши натижасида банд аҳоли сонининг қисқариб боришига олиб келади²²”, деб такидлаган.

Иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминловчи индикаторлардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Хитой ва Япония

²² Стрелкова Л.В., Кабанов С.С.О влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике.// “Социальные науки”, 2011. №1.-С.147-150

мамлакатларида ишсизлик даражаси иқтисодий ўсиш даражасига қараланда ўртача 3,5-4,5 %га ортиқ (1.3.1 жадвал).

1.3.1 жадвал.

Ривожланган айрим мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш ва ишсизлик холати²³

Йил лар	Россия Федерацияси		Буюк Британия		Хитой		Япония	
	ЯИМ ўсиш суръат и,%	Ишсиз лик даражаси,%	ЯИМ ўсиш суръат и,%	Ишсиз лик даражаси,%	ЯИМ ўсиш суръат и,%	Ишсиз лик даражаси,%	ЯИМ ўсиш суръат и,%	Ишсиз лик даражаси,%
2003	7,3	8,6	2,8	5,0	10,0	4,3	1,4	5,3
2004	7,2	8,2	3,0	4,8	10,1	4,2	2,7	4,7
2005	6,4	7,6	2,2	4,8	11,3	4,2	1,9	4,4
2006	8,2	7,2	2,8	5,4	12,7	4,1	2,0	4,1
2007	8,5	6,1	2,7	5,4	14,2	4,0	2,4	3,8
2008	5,2	6,4	-0,1	5,6	9,6	4,1	-1,2	4,0
2009	-7,8	8,4	-4,4	7,5	9,2	4,2	-6,3	5,1
2010	4,3	7,5	1,8	7,8	10,4	4,1	4,5	5,0
2011	4,3	6,6	0,8	8,1	9,2	6,5	-0,8	4,6
2012	3,6	5,7	-0,1	7,8	7,8	6,4	2,2	4,4
2013	1,3	5,5	2,9	7,6	7,7,	4,1	0,8	4,0
2014	0,7	5,2	4,0	6,2	7,3	4,1	0,0	3,6
2015	-3,7	5,6	2,2	5,4	6,9	4,1	0,6	3,4
2016	-0,8	5,5	2,0	4,9	6,7	4,1	0,5	3,1
Ўрта ча	3,4	7,2	1,7	6,6	9,6	4,8	0,8	4,5

²³ www.areport.ru/stat/php?razdil=country

Буюк Британияда иқтисодий ўсиш суръати 2003-2016 йиллар кисимида ўртача 1,7 %, Японияда эса деярли 0,8 % ни ташкил этишига қарамасдан бу давлатлар аҳоли турмиш даражси ва сифати юқорилигини сақлаб турмоқда. Аммо, айрим давлатарда, аксинча, бандлик даражаси ҳамда иқтисодий ўсиш сўрағи юқори бўлишига қарамасдан, аҳоли турмуш даражаси анча паст. Мехнатга лаёқатли аҳолининг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, локализациялаш дастурларига критилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб этиш иқтисодий самарадорликни реал даражада оширади ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришмоқда. Масалан, дунёда меҳнат унудорлигининг даражаси бўйича биринчи ўринда АҚШ, кейинги ўринларда Ирландия, Люксембург, Бельгия ва Франция давлатлари туради²⁴. Ушбу давлатларда иқтисодий ўсиш суръатари охирги ун йил ичидаги ўртача 4,6 %дан 6,8 фоизгачани ташкил этди. 2014-2016 йилларда ишсизлик даражаси АҚШда 5,4 фоиз, Францияда 10,2 фоиз, Белгияда 8,3%ни, Люксембургда 6,7%ни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан, бу мамлакатларда турмуш даражаси бўйича юқори мамлакатлар қаторига киради. Хусусан, 2014-2016 йилларда ЯИМ аҳоли жон бошига харид қобилиятига кўра Люксембургда ўртача 104660, Ирландияда 9706, Бельгияда 45893, Францияда 41031 АҚШ долларни ташкил этади. Иқтисодиётиннинг таркибий тузилиши бўйича ўрганилганда чизиқли ўртачани топиш методига кўра хизматлар соҳаси 78,0 % атрофига, қурилиш соҳаси 14,5 %, ишлаб чиқаришда 7,5 % тадбиркорлик фаолияти ташкил этилган. Ўрганилган мамалакатларда тадбиркорлик фаолиятининг катта-кичиклигини ишчи ўрни бўйича хисоблагандаги асосий тадбиркорлик фаолияти 1-9 кишигача бўлган тадбиркорлик асосий қисмни эгаллайди(1.3.2 жадвал).²⁵

²⁴ Стрелкова Л.В., Кабанов С.С.О влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике.//”Социальные науки”,2011.№1.-С.147-150

²⁵ <http://oe.cd/disclaimer> Entrepreneurship at a Glance 2016 - © OECD 2016

1.3.2 жадвал.

Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётнинг асосий секторларида ташкил этилиши, %да²⁶

Мамлакат лар	1-9			10-19			20-49			50-249			Ишлаб чиқар иш	Хизмат кўрсати ш	Кур или ш
	Игла б чиқа риш	Хизм ат	Кўри лиш	Игла б чиқар	Хизма т	Кўрил иш	Игла б чиқар	Хизма т	Кўрил иш	Игла б чиқар	Хизма т	Кўрил иш			
Белгия	82	95	95	8	3	3	6	2	1	4	1	0,5	6,0	76,8	17,3
Франция	87	96	96	6	2	3	4	1	1	3	1	0,3	7,7	74,0	18,3
Германия	61	85	81	20	8	14	8	5	4	8	2	1,2	9,3	78,4	12,3
Люксембу рг	63	90	73	12	5	13	13	3	9	10	1	4,1	2,7	85,7	11,5
Россия	68	83	77	11	8	10	11	6	8	8	3	4,1	11,0	76,1	12,9
АҚШ	67	80	84	14	10	9	11	7	5	7	3	1,9	8,2	77,1	14,7
Ўртачаси	71,2	88,1	84,3	11,8	6,2	8,5	8,8	3,7	4,9	6,4	1,7	2,0	7,5	78,0	14,5


²⁶ <http://oe.cd/disclaimer> Entrepreneurship at a Glance 2016 - © OECD 2016 майлумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ўзбекистонда иқтисодиётда давлат секторининг ЯИМдаги улуши 2016 йил ҳолатига кўра 17 % яқинни ташкил этади. Давлат секторида банд бўлган меҳнат ресурслари жами меҳнат ресурсларининг 17,9 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар Франсияда мос равища 18,5 %; 26,3%ни, АҚШда мос равища 10,5%; 16,2 %ни, Германияда мос равища 14,7%; 14,8% ни ташкил этади(1.3.1 диаграмма).²⁷

Жаҳон тажрибасига кўра аҳоли бандлигини таъминлашда қўйидаги моделлардан фойдаланилади:

1. Европа модели-ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш меҳнат ресурсларига талабни камайтирди. Бу аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтожлар сонини ошириб бандлик бўйича пассив сиёsat юритишига, ишсизлик нафақаларининг оширишига сабаб булди;
2. Швед модельи-аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлашда давлат корхоналарининг улуши катта хисобланади, бу бюджет тақчиллигини келтириб чиқишига таъсири катта;
3. Америка модели-янги иш ўринларини даромади катта бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқларида ташкил этиш йўлга қуйилган, аҳолининг ҳарид қилиш қувватини оширишда банк кредитларининг улуши катта хисобланади;
4. Япония модели-меҳнат унумдорлигининг ошиши меҳнат стажи билан боғлиқлигидир. Даромади иш стажи, ёши, оила тарқибига боғлиқ. Кадрларининг ихтисослашуви кучли булиб, бозор талабига мослашувчанлиги қийин кечади.

²⁷ Экономическое обозрение №11(191) 2015



1.3.1 диаграмма. Давлат секторида банд бўлган мөхнат ресурсларининг жами мөхнат ресурсларига нисбатан улуши ва давлат секторининг ЯИМдаги улуши, % (2015 йил)²⁸

XX асрда дунё аҳолиси 1,6 млрддан 7,5 млрдга ошди. Демографик ҳолат мамлакатлар миқиёсида турлича кечган. Дунё бўйича 1980-2016 йиллар оралиғида ишчи кучи 1,2 млрддан 3,4 млрдгacha ошиб борган. 66 % дан ортиқ мөхнат ресурслари ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатан энг кам мамлакатларга тўғри келади. Мөхнат ресурсларининг кескин ошишига қарамасдан ривожланган мамлакатларда урбанизациялашувнинг ошиши мөхнат унумдорлигинининг техникка технологиянинг ривожланиши натижасида ошиши ҳисобига бандлик таъминланган²⁹.

1990-2012 йиллар оралғи 1 млрд.дан ортиқ янги иш ўринлари (қишлоқ хўжалигидан ташқари) яратилган бўлса, шулардан 900 млнга яқини ривожланаётган мамлакатларда яратилган. Шулардан, Лотин Америкаси, шарқий-жанубий Шарқий Осиё мамалакталари (Корея, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Малайзия, Таиланд), Хитой мамлактларида мөхнатга талабни

²⁸ А.В. Вахабов, Д.А.Таджибаева, Ш.Х.Хажибакиев “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” –Т.:2015

²⁹ А.Н. Нанавян «Структура занятости населения:динамика и тенденции развития» Угрозы и безопасность №17(158)-2012

саноатни ривожлантириш орқали шакллантирилди. Саноат махсулотларини ишлаб чиқаришда биринчи босқичида саноат махсулотларини йиғиш, маҳаллийлаштириш, кластр тизимини жорий этиш босқичида амалга оширилди.

XX асрнинг 50 йилларида бу мамлактларда импорт ўрнини босувчи махсулотларни ишлаб чиқариш кенг тус олиб, ташқи бозордан ҳимояланиш мақсадида кучли протекционизм сиёсати олиб борилди, лекин мамлакатнинг ташқи бозор билан интеграциялашвуини чекламаган. Импорт ўрнини босувчи махсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига критилган махсулотлар асосан маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш йўлга қуйилган. Натижада, 2007 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экпортидаги улуши 30-35% етган бўлса, бу кўрсаткич 1950 йилда 6 % атрофида эди. Халқаро савдонинг ўсиши яратилган янги иш ўрнидаги улуши 22 %га таъсир этган³⁰. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози натижасида бирмунча савдо айланмаси камайганлиги, экспортнинг камайиши янги иш ўринларини яратишга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Демак, экспортни қуллаб-қувватлаш саноат тармоқларида янги иш ўринларини яратишга тўғри боғлиқликда. Саноат махсулотларини маҳаллийлаштириш босқичларидан бири экспортни ошириш белгиланганлиги ижобий саналади.

³⁰ А.Н. Нанавян «Структура занятости населения:динамика и тенденции развития» Угрозы и безопасность №17(158)-2012

П.БОБ. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1 Ўзбекистон саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнида давлатнинг ўрни

Мамалакатимизда саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги 2015-2019 йиллардаги дастур доирасида жами 1225 та маҳсулот турини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган жами 600 та лойиҳа ишга туширилди.³¹ Ҳар йили импорт ўрнини босувчи 3,5 млрд долларлик маҳсулот маҳаллийлаштирилиб дастур доирасида жами 13 мингдан ортиқ янги иш ўрнини яратиш мақсад қилинган. Дастур ўз ичига мақсадли параметрлари, дастур кисмидаги корхоналар миқиёси, лойиҳалар туркуми, тавсифи, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар турлари белгиланиб олинди(2.1.1 расм).

иқтисодиётнинг базавий тармоқларида тармоқлараро саноат кооперацияси асосида импортни қисқартиришнинг мақсадли параметрлари тасдиқланган

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг базавий тармоқлар ва худудлар кисимидағи корхоналар рўйхати шакллантирилган


маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳалар туркуми ва тоифаси тасдиқлаб берилган

тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича тавсия этилган маҳсулотлар туркуми белгиланган

2.1.1 расм.Дастур таркибида юқоридагилар белгиланган:

³¹ О праграмме локализации производства готовой продукции,комплектуюших изделий и материалов на 2015-2019 годы ПП-2298 12.02.2015 г

2015—2019 йилларда геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефтикимё ва металлургия саноати комплекси бўйича йилига ўртacha 25.7%га, машинасозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартлаштириш комплексида -19.6%га, коммунал соҳаси, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати комплексида -19.1%га, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш комплексида - 36.2%га, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя комплексида - 54.7%га ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари комплексида - 20%га импортни қисқартириш белгиланган (2.1.1 диаграмма).




2.1.2 диаграмма. 2015—2019 йилларда иқтисодиётнинг базавий тармоқларида импортни қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари

Шуни такидлаш керакки, 2015 йилнинг ўзида Дастур миқиёсида 696 та лойиха бўйича 4,0 трлн сўмлик маҳсулот маҳаллийлаштирилди,

импорт ўрнини босиш самараси бўйича ўрганилганда импорт самараси 1,56 млрд. долл.ни ташкил этади. Маҳаллийлаштирилган махсулотларнинг таркибида саноат махсулотларнинг сони 820 тадан ортиқни ташкил этади.

2015-2016 йиллар оралиғида маҳаллийлаштириш Дастирининг ижроси натижасида импорт хажми деарли икки баробарга қисқарган. Саноат тармоқ таркибига бутловчи қисмлар, автокомпонентлар импорти 9,5%га (444,6 млн. Долл.га) қисқаргани ижобий саналади.


Бизнинг фикримизча, ушбу жараён бошқа шароитлар teng бўлган тақдирда экспортни рағбатлантиришга ва миллий валюта харид қобилиятини мустаҳкамлашга таъсир этади. Параметрларга кўра импорт сифимини камйтиришнинг усиш сўратларида гиёлогия, ёқилғи-энергетика, кимё ва нефти кимё ва металлни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжали махсулотларини қайта ишлаш саноатининг улуши энг катта бўлсада, машинасозлик саноати, авиаация, электоринка саноатининг импорт сифими 5 баробордан ортиқ миқдорда камаяди. Зоро, машинасозлик саноати ўз атрофига бошқа тармоқларни бирлаштириб, саноат коопирациясини оптималлаштиради.



2.1.3 диаграмма. 2015—2019 йилларда ишлаб чиқаришни махаллийлаштиришнинг базавий тармоқ корхоналари кесими бўйича тавсифи

Шу билан биргаликда дастурда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг базавий тармоқлар ва ҳудудлар кесимидаги корхоналар рўйхати шакллантирилган (2.1.3-2.1.4 расмлар). Унга кўра, 2015—2019 йилларда жами маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари туркуми 601 тани, лойиҳалар сони эса 278 тани ташкил этади. Туркум доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар ҳажми, сони ва тури ҳам кўпайиб бориш тенденцияси ҳам рақобатбардошлик даражасини ҳисобга олинган.

Агар ушбу маҳсулотлар туркумини таркибий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, унда 601 туркумдаги маҳсулотлардан 414 таси ёки 68.8%и базавий тармоқ корхоналари ҳиссасига, 187 таси ёки 31.2%и ҳудудий корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ҳудди шундай тақсимланиш жараёнини лойиҳалар сони бўйича амалга оширадиган бўлсак, улар мос равиша 174 та ёки 62.6%ни ва 104 та ёки 37.4%ни ташкил этишини кўришимиз мумкин(2.1.4-расм).



2.1.4 диаграмма. 2015—2019 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ҳудудлар кесими бўйича тавсифи (базавий тармоқ корхоналаридан ташқари)

Демак, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш туркумiga кўра камида 601 номдаги иқтисодиёт тармоқларидағи товарлар тури кўпаяди. Тавар турлари бўйича


урганилганда аграсаноати мажмуасидан сунг автосаноат тармоғидаги ўзлаштириладиган таварлар сони кўп. Шундай бўлсада аграсаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигида машинасозлик саноатининг ўрни сезиларли ҳисобланади. Аграсаноат мажмуасига хизмат қилувчи соҳа ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш айнан машинасозлик тармоғида ишлаб чиқарилиши ишлаб чиқариш коопирациясини кенгайтиради.



2.1.5 диаграмма. Маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида маҳаллийлаштириладиган истиқболли маҳсулотлар туркуми (бирликда)

Дастурда базавий тармоқ ва худудлар корхоналари учун маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаширишнинг истиқболли лойиҳалар туркуми ва тоифаси ҳам тасдиқлаб берилган (2.1.5-расм). Унга кўра жами 56 турдаги табиий хом-ашё ва нодир ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш белгиланган.

2015—2019 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича тавсия этилган маҳсулотлар туркуми белгиланган (2.1.6 расм). Унга кўра, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жами 153 турдаги янги рақобатбардош маҳсулот турларини қўшимча равища ўзлаштиришлари ва экспорт қилишлари ифодаланган.



2.1.6 диаграмма. 2015—2019 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўзлаштириш тавсия этилган маҳсулотлар туркуми (бирликда)

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2000-2016 йиллар оралиғида қиймати 5,5 млрд. доллардан ортиқ 2,8 мингдан ортиқ маҳаллийлаштириш лойиҳаси амалиётга жорий этилган. Натижада, 4,8 мингдан ортиқ хориждан олиб келинадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ва Дастур доирасида жами 13,5 мингдан ортиқ янги

ишли ўрни яратилди. 2009-2016 йиллар оралиғида жами 752 млн. долл.га импорт хажми камайды, хусусан, 2016 йилнинг ўзида 286 млн. долл. иқтисод қилинди.



2.1.2 расм. 2017-2019 йилларда махаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқишидаги иштирокчилар.

2017 — 2019 йилларда тайёр махсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чикаришни махаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирларига кўра ишлаб чикаришни махаллийлаштириш жараёнларини янада чукурлаштириш, тармоклараро саноат кооперациясини, шу жумладан республиканинг йирик корхоналари хамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, махаллий хомашё ресурслари негизида импорт ўрнини босадиган ва ички бозорни зарур истеъмол товарлари, дори-дармон воситалари, ишлаб чикариш-техник ахамиятдаги махсулотлар,

бутловчи буюмлар ва материаллар билан тулдиришни таъминлайдиган корхоналар барпо этиш максад қилинди.

Дастурда импорт ўрнини босадиган, экспортга юналтирилган ва ракобатбардош махсулотлар ишлаб чикиришни ташкил килишни назарда тутувчи ишлаб чикиришни махаллийлаштириш лойихалари, тайёр махсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар рўйхати қайта кўриб чиқилган. 2017 йилда махаллийлаштириладиган махсулотлар ишлаб чикиришнинг прогноз хажмлари бажарилишини 39,41-47% тармок жадвалларини тасдиқланган. Махаллийлаштириш Даствурига киритилган ишлаб чикиришни махаллийлаштириш лойихаларининг паспортларини ўрнатилган тартибда тайёрлаш хамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сонли карори билан ташкил қилинган тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни саноат кооперацияси асосида ишлаб чикиришни махаллийлаштириш Дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус идоралараро комиссиясига тақдим этилиши тартибга солинди, тайёр махсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материалларни узлаштириш бўйича тавсияномалар тадбиркорлик субъектлари ва бошка ташкилотларга етказилиши чора тадбирлари кўрилди. Махаллийлаштириш Даствурига киритилган пайтдан бошлаб биринчи йил ишлаб чикарилаётган махсулот бўйича камида 36 фоиз, иккинчи или камида 45 фоиз ва учинчи йил камида 50 фоиз махаллийлаштириш даражасига эришиш, бунда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш махсулотлари учун тегишли равишда 36 фоиз, 40 фоиз ва 45 фоизни ташкил этади. Махаллийлаштирилган махсулот сотишдан тушган соф тушумда экспорт килинган махсулотнинг улуши махаллийлаштириш Даствурига киритилган пайтдан бошлаб иккинчи

йили камида 20 фоизни ва учинчи йили камида 30 фоизни ташкил этиши белгиланган³².

Мазкур бандда кўрсатилган мезонлар махаллийлаштириш даражасини камида 36 фоиз таъминлаётган республиканинг субвенция оладиган туманлари ва шахарларида амалга оширилаётган лойихаларга татбик килинмайди.

Тижорат банкларига махаллийлаштириш Дастурига киритилган ташкилотларга махаллийлаштириш лойихаларини амалга ошириш, махаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ускуналар, хомашё, бутловчи буюмлар ва материаллар харид килишга кредитлар, шу жумладан хорижий валютада кредитлар ажратиш тартиби мустаҳкамланди.

Дастурдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва худудлараро саноат кооперациясини кенгайтириш (шу жумладан кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида), маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида импорт ўрнини босувчи ва ички бозор талабини зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминловчи юқори технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимини яратиш, валюта маблағларини иқтисод қилиш ва улардан рационал фойдаланиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашдир.

³² О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы ПП-2698 26 декабря 2016 г

2.2. Ўзбекистон Республикасида автомобил саноатини локализациялаш даражасини иқтисодий таҳлили

Мамлакатимизда 1997-2003 йилларда йиллик иқтисодий ўсиш 3,8-5 % ни ташкил этган булса, 2003-2015 йиллар оралиғида ўртача 8%, 2016 йилда 7,8% иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. 2010-2016 йиллар оралиғида саноат махулотлари, истимол молларини ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш сўръати камайиш тенденциясига эга (2.2.1 диаграмма).



2.2.1 диаграмма. Ўсиш суръатлари, %да

³³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди


Тармоқ таркибида саноатнинг ЯИМдаги улуши ортиб, қишлоқ хўжалигининг улуши камайиш (ишлаб чиқариш хажми ошиб борган) тенденсиясига эга эканлиги ижобий саналади. Қишлоқ хўжалиги ЯИМ таркибидаги улуши 1990 йилда 33,4% дан 2016 йил 17,9 %га тушди. Саноатнинг ривожланиши унда меҳнат унумдорлиги оширишга бўлган талабни келтириб чиқаради. Натижада инновацион ишлаб чиқариш технологиялари, янги ишланмаларга талаб ошиб, ишлаб чиқариш харажатларни узоқ муддатда камайтириш фирмаларнинг асосий стратегиясига айланади. Бу ўз навбатида саноатда банд бўлган меҳнат ресурсларини хизмат кўрсатиш соҳасига ўтишини таъминлайди. Умуман олганда, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида меҳнат тақсимотини тақсимлашда, меҳнат ресурсларини бир тармоқдан иккинчи тармоққа оқиб ўтишини таъминлашда бандликни “қишлоқ хўжалиги–саноат–хизмат кўрсатиш” спирали орқали таъминланиши аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий аҳамиятга эга.

2011-2015 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ саноат, инфратузилма, алоқа ва транспорт тизимини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш каби тўртта стратегик мақсад қўйилганди. Асосий вазифа қилиб, макроқийтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш сўрафтларини таъминлаш, сифат кўрсаткичларини ошириш, тармоқ таркибини деверсификациялаш, иқтисодий мутаносибликтини таъминлаш кабилар белганди. Дастур дорасида амалга оширилган ишлар натижасида саноатнинг ЯИМ таркибада улуши 2015 йилда 33,4 %га етказилди (прогноз 28 %), 2030 йилга бориб 40 %га етказиш кўзда тутилган.³⁴

2010-2016 йилларда иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ижобий ўзгаришларини сақланиб қолиниши мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури билан узвий боғлиқ. Саноат маҳсулотарини ишлаб чиқаришда

³⁴ И.А.Каримов “Бош мақсадимиз –иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳатларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чукурлаштириш, хусусий мудкчилик , кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йул очиб беришдир” илмий оммабоб рисола –Т.:2016

кушилган қиймат яратуви маҳсулотларини ишлаб чиқариш мухим аҳамият касб этиб бораётганлиги ижобий саналади (2.2.2 диаграмма).



2.2.2 диаграмма. Иктисолидёнинг тармоқлари бўйича ЯИМнинг тармоқ таркиби, %³⁵

Ривожланган мамлакаттларда саноатнинг ЯИМдаги улуши йилдан-йилга камайиши тенденциясига эга. Саноат улушкининг қисқариши ривожланаётган ва ўтиш иктисолидёти мамлакатларида кўчли рақобат таъсирида енгил саноат, металлургия тармоғи каби тармоқларнинг тутатилиши, баъзи тармоқларнинг йиллик ўсиш суръатининг камайиши (кимё, ўрмон хўжалиги), ривожланган мамлакаттларда саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши ҳам юзага келганлигини аниқлаш мумкин. Шундай бўлсада ривожланган мамлакатларда фан


³⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

сиғимкорлиги юқори бўлган саноат тармоғлари-ёқилғи энергитика саноати, машинасозлик саноати, телекомуникация соҳаларининг мавқийи янада ошиб бормоқда. Машинасозлик саноати ривожланган малакатларда саноат ишлаб чиқаришнинг 30-45 фоизини ташкил этмоқда. Машинасозлик саноатининг экспорт хажмида автомобил бутловчи қисмларининг улуши ошиб борган. Бу жаҳон бозорида автомобил бутловчи қисмларига талабнинг ошиб бораётганлиги кўрсатади. Мамлакатимизда автомобил саноатини маҳаллийлаштириш жараёнини бошқа мамлактлари билан солиштирганда қуидагича экандигини қўриш мумкин (2.2.1 расм).



2.2.1 расм. Ўзбекистонда автомобилни йиғишдан уларни компанентларини ишлаб чиқаришгача бўлган маҳаллийлаштириш босқичлари

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар реализацияси, савдо ҳажмида экспорт қилинган автомобиллар сони 2012-йилга нисбатан 2013-йилда 18544 тага камайган, лекин савдо ҳажми 1,1 баробарга ошган. (2.2.3-диаграмма).



2.2.3-диаграмма. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг реализацияси³⁶

2016 йил холатига кўра мамлакатимизда машинасозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 баробар камайган. Экспорт ҳажми импорт ҳажмидан бир неча баробар кам булиб, махаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 %дан кам. Машинасозлик тизими бутун қишлоқ хўжалигини таъминламаган. Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 21 минг стандартидан атиги 13 %и мамлакатимизда жорий этилган. Бу тармоқда жами 25 минг ишчи кучи банд бўлиб, йиллик обороди 4 млрд АҚШ долларни ташкил этди.³⁷


³⁶ www.uzavtosanoat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

³⁷ www.press-service.uz O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning мамлакатимизни 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi

2016 йил якунига якунига кўра 240 та янги иш ўрини ташкил этувчи умумий қиймати 162,64 млн АҚШ доллар миқдоридаги 3 та лойиха ишга туширилган.

2017-2021 йилларда машинасозлик саноатини янада ривожлантириш, экспорт хажмини ошириш мақсадида белгиланган амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар:

1. Автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг махсулот рақобатбардошлигини энг авволо, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш, асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартириш;
2. Аҳоли учун мақбул нархда турли майший элекстр техника буюмларини ишлаб чиқариш;
3. Ишлаб чиқариладиган махсулотлар халқаро стандартларга жавоб беришини таъминлаш кабилар.




2.2.4 диаграмма. Иктиносодий фаол аҳоли сони, нафар³⁸

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси кумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2010-2015 йилларда иқтисодий фаол аҳоли сони 1,1 марта, иқтисодиётда банд бўлғанлар сони ҳам мос равишда 1,12 марта ошган. Иқтисодиётда бандлар таркибида эркакларнинг улуши оритиб борган 2010 йилда 45,9 % эркак иқтисодий фаол аҳоли таркибига кирган бўлса 2015 йилга келиб унинг улуши 55,0 % га етган (2.2.4 диаграмма).


Иқтисодиётдаги туб таркибий ўзгаришлар, тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида мулкчилик шаклига кўра аҳоли бандлигини таҳлил этганда нодавлат секторида банд бўлган аҳолининг улуши 2,8% га ошган, шундан фуқароларнинг хусусий мулкчилик шаклига кўра бандларининг улуши эса 3,3 %га ошган, далат секторида камайган (2.2.5 диаграмма).



2.2.5 диаграмма. Иқтисодиётда бандларнинг мулкчилик шаклига кўра тақсимланиши,%³⁹

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 майдонотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Иқтисодининг тармоқлари бўйича аҳоли бандлиги таҳлил этганда саноат ва соғлиқни сақлаш, таълим, маъданият, фан ва илмий соҳаларида банд бўлган аҳолининг улуши камайган (саноатда банд аҳолининг улуши 2010 йилдаги 13,2%дан 2015 йилда 12,8% тушган (-0,4%)), қолган тармоқларда ўсиб борган(2.2.6 диаграмма).



2.2.6 диаграмма. Иқтисодиётда бандларнинг тармоқ бўйича тақсимланиши, % да⁴⁰

2012-2015 йиллар кисимида саноат тармоқлари бўйича рўйхатдаги ходимларнинг сони 102,2%га ошиб борган. Шундан электроэнергитика (107,7%), ёқилғи саноати(108,6%), кимё ва нефт-кимё саноати (102,3%)га ошган, машнасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (-1,7%)да ходимлар сони камайган. Машнасозлик ва металга ишлов бериш саноатидаги ходимларнинг сони камаган бўлсада, унинг таркибидаги автомобил саноатидаги ходимларнинг сони кесикн ошиб борган (148,0%), бу тенденция, трактор ва қишлоқ хўжалиги машнасозлиги саноатида ҳам қўзатилади (112,8%). Шундай бўлсада, электроэнергитка саноати, дастгохсозлик ва асбобсозлик саноати, ускунасозлик ва енгил саноатларида ходимларнинг сони камайган.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2.2.1 жадвал.

**Саноат тармоклари бўйича руйхатдаги ходимларнинг ўртача сони
(минг киши)**

	2012	2013	2014	2015	2012-2015 йиллардаги фарқи,%да
<i>Саноат - жсами</i>	670,5	680,3	682,4	685,1	102,2
<i>Электроэнергетика</i>	46,5	47,5	48,8	50,1	107,7
<i>Ёкилги саноати</i>	46,6	47,2	48,2	50,6	108,6
<i>Кимё ва нефт-кимё саноати</i>	52,1	52,6	52,5	53,2	102,1
<i>Машинасозлик ва металга ишлов бериши</i>	97,7	97,3	99,4	96,0	98,3
<i>шу жумладан:</i>					
<i>электротехника саноати</i>	9,1	9,1	9,4	8,8	96,7
<i>дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати</i>	1,9	2,2	1,9	1,7	89,5
<i>ускунасозлик</i>	1,2	1,2	1,1	1,0	83,3
<i>автомобил саноати</i>	17,5	19,8	24,4	25,9	148,0
<i>трактор ва кишилек хужалик машинасозлиги</i>	4,7	4,6	3,9	5,3	112,8
<i>Урмон, ёгочни кайта ишилаш ва целлюзона- когоз саноати</i>	18,8	18,3	20,4	20,4	108,5
<i>Енгил саноат</i>	142,0	145,9	140,4	140,0	98,6
<i>Озик-овкат саноати</i>	68,1	67,7	67,6	69,2	101,6


Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи ахолии сонининг маълумот даражаси бўйича, таксимланиши бўйича таҳлил этганда 2012-2015 йиллар оралиғида олий тоифали кадрлар ва ўрта маҳсус таълимга эга бўлган ходимлар сони ошиб борган ва бу ижобий саналади. Ўрта маҳсус таълимга эга бўлган ходимларининг сони (3,2%) олий таълим даражасига эга бўлган ходимлар сони (1,4%)га нисбатан таққослаганда ўсиш суръати кесгин ошган (2.2.1 жадвал).

(2.2.1 жадвал).

**Корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишловчи ахолии сонининг
маълумот даражаси бўйича таксимланиши (фоизда)**

Йиллар	Жами	Шу жумладан маълумотга эга::		
		олий	ўрта маҳсус	ўрта ва тугалланмаган ўрта
2012	100,0	32,1	40,5	27,4
2013	100,0	32,3	41,6	26,1
2014	100,0	32,8	42,9	24,3
2015	100,0	33,5	43,7	22,8

Саноат тармоқларининг ўсиш сурътига эга булсада, баъзи саноат тармоқларида олдинги йилга нисбатан камайиш кузатилади. Хусусан, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 2010 йил 112,8% иқтисодий ўсиш кузатилган бўлса, 2013 йилга келиб 124,2 % кўрсаткичга эга эди, лекин 2015 йилда 113,5 %ни кўрсатаяпди (2.2.7 диаграмма).



2.2.7 диаграмма. Саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш динамикаси,%⁴¹

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами” –Т.: -2015 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Саноат махсулотарининг экспорт ва импорт таркибини 2010-2014 йиллар оралиғида урганганда экспорт таркибидаги энг катта улушдаги камайиш машинасозлик ва асбоб ускуналар экспортида кузатилади (2010 йил экспорт таркибида машинасозлик ва асбоб ускуналарнинг жами экспортдаги улуши 5,5 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 3,9%ни ташкил этади). Шу билан биргаликда бу тармоқнинг импортдаги улуши маҳаллийлаштириш дастурининг таъсирида бир мунча камайган (2010 йил жами импортга нисбатан машинасозлик ва асбоб ускуналар импорти 44,0 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 39,5%ни ташкил этади.).

Ш.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЛОКАЛИЗАЦИЯЛАШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнига инновацион янгиликлар ва инвестицияларни жорий этиш натижасида яратиладиган янги иш ўринлари

Аҳоли бандлигини таъминлаш иқтисодий ўсиш билан узвий боғлиқ. Ишлаб чиқаришда янги иш ўринларни яратиш ишлаб чиқариш омилларининг нисбий устунлиги билан боғлиқ. Ишчи кучи бандлигини оширишнинг энг асосий йўналишларидан бири республика худудларида, унинг табиий шароитларини ҳисобга олган ҳолда саноат тармоғларига ҳисобга олган ҳолда саноат кооперацияси асосида бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш воситларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни талаб этади.

Ҳозирги вақтда бозор талабига тез мослаша оладиган, харажатларни қоплашга қодир бўлган, рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқарадиган, янги илғор, инновацион технологияларини жорий этиш орқали турли ширкатлар, майсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий, қўшма корхоналарни, фермир хўжаликларини ташкил этиш эвазига янги иш ўринларини ташкил этиш йўлга қўйилган.

Кўйидагилар асосида иш билан бандлик дастури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман, тармоқлар ва Республика миқиёсида кўйидагилар амалга оширилди:

- ✓ макроиқтисодий ишлаб чиқаришни услубий бошқариш кўрсаткичлар ва ишчи кучи бозорини иқтисодиётнинг тармоқлари ва худудларига бўлинган ҳолда ривожланиш хусусиятларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

- ✓ баязи макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши билан ишчи кучи бозорини ривожлантиришнинг макроиқтисодий моделларини ишлаб чиқиши;
- ✓ вилоят ва туманлар миқиёсида дастурлар ишлаб чиқаришни услубий бошқариш;
- ✓ иқтисодиёт тармоқларида, йирик корхоналарда, концерн, ассоцияларда янги иш ўринларини яратиш ва мавжудларини сақаб туришнинг иқтисодий таҳлил этиш, аниқлаш;
- ✓ дастурга киритилган тадбирларни молиялаштиришнинг хажми ва аник манбаларини аниқлаш;
- ✓ вилоятлар ва туманлар даражасида ишлаб чиқилган дастурларни республика умумиқтисодиётининг ривожланиши аньаналарини, шунингдек, баязи тадбирларнинг молиявий таъминоти имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиб чиқиши;
- ✓ янги иш ўринларини яратишда худудий ва тармоқ дастурлари билан боғлиқлигини таъминлаш;
- ✓ дастурларда белгиланган тадбирларни Республика ва вилоятлар миқиёсида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш.

2016 йил маълумотларига кўра меҳнат ресурсларининг сони 18,5 млн кшини ташкил этди, шундан банд бўлганлар 13,4 млн кишини, уларнинг ўсиш тенденцияси мос равишда 1,3% ва 2,3 %ни ташкил эади. Меҳнат ресурсларининг умумий сонида иқтисодий фаол аҳоли 14,1 млн киши, шу жумладан 13,4 млн киши иқтисодиётда банд ва 700 минг киши ишсизларни ташкил этмоқда.⁴².

Тармоқ миқиёсида, реал сектор миқиёсида қуйидагиларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- худуд ички потенциалларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллийлаштириш дастури асосида янги товар, ярим тайёр, қўшимча қиймат яратувчи

⁴² А.Н.Нанавян «Структура занятости населения:динамика и тенденции развития» Угрозы и безопасность №17(158)-2012


максулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарини вужудга келтириш, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишчи кучи ресурсларига бўлган талабни, иш жойларини яратиш учун зарур молиявий сарфлар манбаларини аниқ кўрсатиб берувчи максус, аниқ дастурларни ишлаб чиқиши;

- Янги иш жойларини яратиш бўйича олиб борилаётган тадбирларни амалга оширилиш жараёнини назорат қилиши;
- Янги иш ўринлари яратиш дастури натижаси асосида таъминланган бандлик, яъни меҳнат ресурсининг корхона, ишлаб чиқариш муассасида хақиқатда меҳнат фаолиятини олиб бораётганлиги, унга шартномага асосан меҳнат дафтарчasi юритилаётганлиги, ведомос бўйича иш хақи олаётганлини тастиқловчи хужжатлар электрон шаклда меҳнат биржасида, уқув муассасида, пенсия жамғармасида электрон руйхати, корхонада, давлат архивида тегишли тартибда асл нусхасини сақашни ташкил этиш орқали иш билан бандликни наъзорати олиб борилиши яширин ишсизликни қаймайтиради.

Ишчи кучининг таркиби охирги йилларда кесгин ўзгарган. 1990 йилда қишлоқ хўжалигининг ўзида банд бўлган аҳоли 40% ни ташкил этган булса, 2016 йилга келиб қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини қўшиб ҳисоблаганда 27,7 % ишчи кучи ушбу секторда банд булиб, бу секторнинг ЯИМдаги улуши 17%ни ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган мамалакатларида гидек хизмат кўрсатиш соҳасига ишчи кучининг оқими кучайган, деарли 50 % ишчи кучи ушбу секторда банд бўлиб, унинг ЯИМдаги улуши 54,5 % дан юқори. Саноатнинг ЯИМдаги улуши 34%дан ошиқ бўлиб унда 8 % дан ортиқ ишчи кучи банд.

Охирги тенденцияларга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида 2010-2020 йилларда 2,3 млн янги иш ўринлари (5 та иш ўринидан 4 тасида), 2030 йилга бориб хизмат кўрсатиш соҳасида 4,5 млн янги иш ўрини хамда ишлаб

чиқариш секторида эса 1,7 млн янги иш ўринни яратилишини прогнозлаш мумкин.⁴³



Манба : по расчетам сотрудников Всемирного банка, на основании данных ООН (2011).

3.1.1 расм. Мехнат ресурсларнинг ёш таркиби бўйича ўсиш прогнози:


Бугунги даврда, Ўзбекистон иқтисодий потенциали максимал тадбиқ қилиниши мумкин бўлган бир давр бўсағасида турибди. Мамлакатимизнинг иқтисодий фаол аҳолиси умумий аҳоли сонидан энг катта фоизни ташкил қиласди ва бу давлат иқтисодиётининг жадал ривожланишини амалга ошириши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти прогнозлари бўйича Ўзбекистон демографик юкланиши коэффициенти (болалар ва қариялар сонига нисбати меҳнатга лаёкатли аҳоли (15-64 ёшли шахслар) сонига ҳисобланади) 2012 йилдан бошлаб 35 йил давомида 50%дан ошмайди (3.1.1 расм). Бундан сўнг демографик ҳолат давлатни Европадаги “қариётган” иқтисодиётни бошидан кечираётган юқори демографик юклама коэффициенти ҳамда ёш ишчи кучи етишмовчилиги билан тавсифланувчи янги даражага чиқиши прогноз қилинмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринларини ташкил этишда қўйидагиларни прогноз қилиш мумкин:

- Маълум прогноз қилинаётган даврда янги иш жойларига бўлган талаб;

⁴³ Жаҳон банки ходимлари ҳисоблари бўйича, БМТ маълумотлари асосида

- Иш билан бандлик соҳасига жалб қилиниши керак бўлган, ишчи кучи керак бўлган ишчи миқдорининг ўсиши;
- Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш пурдат ташкилотларидан ортиқча ишчи кучининг ажралиб чиқиши;
- Ишга жойлаштирилишига муҳтож ишчи кучи сони;
- Ишчи кучини банд қилишнинг асосий йўналишлари;
- Республика ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган вазирликлар, ассоциациялар ва коопирациялар томонидан янги иш жойларининг яратилиши;
- Хорижий инвестициаларни жалб этиш натижасида янги ўринларини яратилиши;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланитиши орқали янги иш ўринларини яратилиши;
- Дехқон ва фермер хужаликларини ривожлантириш, шахсий томорқани ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш;
- Шаҳар ва туманларда иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш;
- Жамоат ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари;
- Иштимоий муҳофазага муҳтож ишчи кучи гурухлари учун иш жойларини яратиш.



Мағаба по расчетам специалистов Всемирного банка на основании данных ЦЭИ (2011).

3.1.1 диаграмма. 1990-2010 йиллар асосида 2015-2030 йиллар оралиқда олий таълимда етишиб чиқадиган ишчи кучи миқдорининг прогнози:⁴⁴

Агар иқтисодий тенденция охирги ўн йиллик бўйича давом этса, 2030 йилгача савдо, умумий овқатланиш кабиларда(1,4 млн), таълим, маданият, санъат, фан ва илмий тадқиқот (0,9 млн) соҳаларида, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳасида (0,8 млн), соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимой соҳада (0,6 млн) ва транспорт ва алоқада (0,4 млн) янги ишчи ўрни яратиш имкони пайдо булади. Бошқа хизмат кўрсатиши соҳаларида 1,1 млн ишчи ўрни, қишлоқ хўжалигида эса 0,4 млн ишчи ўрни яратилиши имкони юзага келади (3.1.1 диаграмма).

Бизнинг фикримизча, янги иш ўринларини яратишида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш усувор ҳамда самарали йўналиш хисобланиб ўз ичига қуидагиларни олади:

⁴⁴ Жаҳон банки ходимлари хисоблари бўйича, БМТ маълумотлари асосида

1. Махаллий табиий хом ашё ма моддий ресурслардан бевосита фойдалана оладиган, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ҳамда аёлларини иш билан банд эта оладиган енгил ва озиқ-овқат саноатида янги саноат тармоқларини маҳаллийлаштириш;
2. Замонавий юқори ишлаб чиқариш воситалар ва технологиялар билан таъминланган, провард махсулотлар, юқори экспорт потенциолига эга бўлган янги объектларни қуриш;
3. Ҳар бир туман, вилоят миқиёсида худуднинг табиий шароити, ишчи поценсиали, унинг таркиби, менталитети, салоҳиятини хисобга олган ҳолда саноат коопиация асосида ишловчи саноат корхоналрни маҳаллийлаштириш;
4. Корхоналарни ташкил этишда асосий мезон сифатида импорт ўрнини босувчи, ташки ва ички бозор конюктурасига тез мослаша оладиган корхоналарни ташкил этиш;
5. Бозор инфратузилмаси тизимидағи корхоналарни ривожлантириш, банклар тармоғини, товар биржаларини, ярмаркалар ва кўргазмаларни кенгайтириш.

3.1.2 расм.⁴⁵



⁴⁵Муаллиф томонидан тузилди

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши фан сиғимкорлиги йуқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришига ижобий таъсир этади. Саноат маҳулотларига, майший техника воситаларига талаб, истеъмолчиларининг талаби, энг асосийси уларнинг даромадларига тўғри боғликлигидадир.

Фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этиб бораётган бугунги даврда ноёб ёки кам серияли саноат маҳсулотларига эҳтиёж, шунингдек, ўзига хос ва маҳаллий эҳитиёжларини қондиришга мулжалланган маҳсулотларга эҳтиёж йуқори булади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кичик ва ўрта корхоналарда жойлаштириш иқтисодий жихатдан самаралидир. Шунинг учун саноат ривожланган мамлакатларда шундай саноат структураси вужудга келганки, у йирик компанияларнинг кўплаб майда ва ўрта мустақил корхоналари билан хамкорликда ишлашга асосланган. Бундай хамкорлик саноат структураси харажатларини минималлаштиради.

Саноати ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги тажрибага кўра, ишлаб чиқариш корхонарининг фаолиятига далат ва хусусий ижтимоий институларининг ўрни катталиги, уларнинг ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотларининг жаҳон бозорида катта хажмни эгаллаганлиги, саноат тармоқларининг ишчи кучига таклифи, кадрларга қўйилган талабнинг ўзига хослигидадир.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози кечётган бир шароитда иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини деверсификациялаш, буш турган молиявий маблағларни истиқболли тармоқларга йўналтириш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш аҳамияти ортиб бормоқда.

Маълумки, жаҳон бозорига чиқишининг самарали йўлларидан бири кўшма корхоналарни ташкил этиш хисобланади. Республикаизда ташкил

Этилган инвестицион мухит натижасида хорижий инвестициялар салмоғи ортиб бормокда. Хусусан, 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 млрд.324 млн.АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилган.⁴⁶

Хорижий инвеститциялар, хорижий инвесторларнинг хуқуқларини кафолатлаш тўғрисида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини жорий қилиш, фан-техника ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги интеграциясини ташкил этиш, уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Натижада, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, муҳим юқори технологияли қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда Ўзбекистонда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2014 йилга нисбатан 9,6 фоизга ўсиб, 40,7 трлн сўмдан кўпни ташкил қилди. Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 3,3 млрд долларини ёки 21 фоиздан ортигини чет эл инвестициялари ва кредитлари (ўсиши 9,1 фоиз), шу жумладан 2,4 млрд долларини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил қилди. 2015 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 728,6 млн долларни ташкил қилди. Инвестициялар таркибида энг катта ҳажмни марказлашмаган инвестициялар (инвестициялар умумий ҳажмининг 78,2 фоизи), унинг 30,9 фоизини хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари (ўсиш 12,6 фоиз) ташкил қилди, бу ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш тармоқ дастурлари ҳамда минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларининг фаол амалга оширилиши натижаси бўлди.

⁴⁶ Каримов И.Озод ва обод ватан,эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т.: Ўзбекистон.2000.

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхтадиган бўлсак, 2015 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 26,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 55,8 фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёнига инновацион янгиликларни жорий этишда Республикада инновацияларни давлат томонидан қуллаб қувватлашнинг асосий йўналишлари катта аҳамият касб этади:

- ✓ Истиқболли йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг (фундаментал, изланиш, амалий ривожлантиришни қўллаб-қувватллаш);
- ✓ Инновацион фаолиятни мутахассислар билан таъминлаш;
- ✓ Инновацион фаолиятни амалга оширишда йўналтирилган турли хил дастурларни ишлаб чиқиш;
- ✓ Алоҳида фирма (корхоналар) ларнинг инновацион фаолиятини самарадорлигини ошириш;
- ✓ Инновацион ишланмаларга давлат буюртмаларини шакллантириш;
- ✓ Вилоятларда инновацион фаолиятларни тартибллаш;
- ✓ Иноватцион фаолиятда, хуқуқий фаолиятда хуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- ✓ Инновацион жараёнлар бўйича халқаро алоқаларни тартибга солиш ва б.

Хисоб китобларга кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 2014 йилга нисбатан ҳисоблагандаги 22 %га ошиб қарийиб 37,3 млн кишни ташкил этади. Мехнатга қобилиятли аҳонинг, ишчи кучининг бутун аҳолининг 67% дан ортиқ қисмини ташкил этишни аниқлаш мумкин (2014 йилда бу кўрсаткич 58%ни ташкил этган). Маълумки, дунё мамлакатларининг 78 % устида меҳнат ресурслари ва даромад ўртасидаги боғлиликни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотга кўра меҳнат ресурсларининг 1% га қисқариши, даромаднинг 1,46 %га қисқаришига олиб келиши аниқланган.⁴⁷

⁴⁷ А.Н. Нанавян «Структура занятости населения:динамика и тенденции развития » Угрозы и безопасность №17(158)-2012

Иш билан бандликни таъминлашда қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. ишчи кучининг худудий жойлашувлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш;
2. зарур миқдорда янги объектларни кенгайтирилиши, иқтисодий актив корхоналар фаолиятини кенгайтириш, инновацион янгиликларни ва инвестицияларни жорий этиш натижасида тармоқ таркибига ишчи сифимкорлигини ошириш;
3. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тезкорлик билан ривожлантиришни рағбатлантириш;
4. қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналарини бевостиа жойлаштириш;
5. ишчи кучи бозорида рақобатга қодир бўлмаган ногиронларнинг меҳнат қилиши ва касб-хунар эгаллашлари учун шароит яратилиши;
6. ишчи кучи ортиқча ёки ишчи кучи етишмовчилиги мавжуд жойларида ички меҳнат миграцияни жорий этиш орқали самарали меҳнат тақсимотини ташкил этиш;
7. меҳнат биржаларининг фаоллигини ошириш, ҳак тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш кабилар.

3.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси саноатида янги иш ўринларини яратишнинг истиқболли йўналишлари

Маълумки, аҳоли бандлигини таъминлашда давлат томонидан олиб бориладиган сиёсат икки йўналишда олиб борилади. Актив сиёсат-ищизларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш; пассив сиёсат-ищизларни моддий жихатдан қуллаб-қувватлаш, ищизлик нафақалари билан таъминлаш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жараёни 4 этапни ўз ичига олади: моделлаштириш (қайта ишлаш), тартибга солиш (внедрение), диагностика (мониторинг), адаптация.

Биринчи босқичда аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсатида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қонун ва қонун ости хужжатлар қабул қилинади, стратегик режа ишлаб чиқилиб, уни ижросини таъминлашда давлат органлари ва унинг ходимларининг ваколатлари белгиланади.

Шуни такидлаш керакки, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни олиб бориш, модернизациялаш жараёни маълум вақт, иқтисодий даврни ўз ичига олади. Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Япония, Корея каби мамлакатларди шартли равишда ўртачи йигирма беш йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни локализациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси саноатида янги иш ўринларини ятиш имконияти кенгайганлиги натижасида бандлик миқдори ошиб бормоқда. МДҲ мамлакатлари бўйича аҳоли бандлигини ўрганилганда мамлакатимизда бандлик миқдори ошиб борган.

МДҲ мамлакатларининг банд аҳоли сони бўйича 2012-2015 йиллар оралиғида ўрганилганда Арманистон, Беларусияда бандлик 10% ва Украинада 21,1%га камайган. Ўзбекистон (107,4%), Озарбайжон (106,8%), Россия (101,1%), Тажикистон (104,3%) кабиларда бандлик миқдори ошиб

борган. Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан таҳлил этганда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Туркманистон, Тожикистон мамлакатларида ошиб борган(3.2.1 жадвал).

3.2.1 жадвал.

Банд ахоли сони (уртacha йил учун)

	2012	2013	2014	2015
<i>Жами, миллион киши</i>				
Ўзбекистан	12,2	12,5	12,8	13,1
Озарбайжон	4,4	4,5	4,6	4,7
Арманистон	1,2	1,2	1,1	1,1
Беларус	4,6	4,6	4,6	4,5
КОЗОГИСТОН	8,5	8,6	8,5	8,6
Киргизистон	2,3	2,3	2,3	2,4
Молдова	1,1	1,2	1,2	1,2
Россия	71,5	71,4	71,5	72,3
Тожикистон	2,3	2,3	2,3	2,4
Туркманистон	2,0	2,1	2,1	2,1
Украина	20,4	20,4	18,1	16,4
<i>Жами, МДХ бўйича</i>	<i>130,5</i>	<i>131,1</i>	<i>129,1</i>	<i>128,9</i>

Мамлакатимизда ахоли бандлигини таъминлашда кенг миқиёсда қонунлар, конун ости хужжатлар, давлат дастурлари қабул қилинди. Ўзбекистон Конуституциясининг ўзида ҳам ҳамманинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин касб танлаш, меҳнат муховазаси ва ишсизлик нафақаси билан таъминланиши белгилаб қўйилган. Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ижодий фаолият эркинлигини таъминлайди. 1998 йил май ойида “Аҳоли бандли тўғрисида”ги қонун қабул қилинди (янги таҳрири, эски таҳрири 1992 йилда қабул қилинган). Қонун доирасида меҳнат ҳуқуқини таъминлаш, меҳнат шароити билан таъминлаш, малака ошириш, меҳнат классификацияси, ишсизларни ижтимоий қуллаб-куватлаш, давлат органларининг вазифалари ва ваколатлари кабилар

белгилаб қуйилди. Мехнат қодеси, “Мехнат мухофазаси тұғрисида”ги, “Мехнатта лаёқатсизларини ижтимоий ҳимоялаш тұғрисида” ги каби башқа қарорлар қабул қилинди. Олий мажлис томонидан халқаро мехнат тұғрисида конвенция ратфекациядан ўтказилди, мехнат қилишда әркак ва аёлларининг тенг ҳукуқлиги таъминланди ва башқа халқаро мехнат тұғрисида қарорлар қабул қилинди.

“Бандлик ва мехнат муносабатлари” вазирлиги ахоли бандлигини таъминлашга қаратылған қарор ва дастурлар ижросини таъминлаш, кадрларни қайта тайёрлаш кабиларни амалға оширади. Бандликка күмаклалиш жамғармаси, ташқи меңнат миграцияси масалалари билан шуғулланувчи агетлиги, малака ошириш институтлари, кадрларни қайта тайёрлаш ва башқа касбга ўқитиш марказлари, ногиронларни соғломлаштириш марказлари, Республика ахоли ва ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш илмий марказ ташкил этилди.



3.2.1 расм. 2017-2019 йилларга мұлжалланған янги иш үрінларини яратиш ва ахоли бандлигини таъминлаш тұғрисидаги Дастан

Яңги иш үрінларини яратишининг асосий воситаси Олий мажлис томонитан тастиқланған ахоли бандлигини таъминлаш ва янги иш

ўринларини яратиш тўғрисидаги қарорлар ҳисобланади. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва иқтисодиёт вазирлиги хамкорлигига тармоқ кесимида ва “туман-вилоят-республика” буйсунувидаги субъектлар фаолиятининг параметрлари ишлаб чиқилган ва ягона дастур, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган.

Янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш тармоқлар кесимида ташкил этиш мумкин бўлган янги иш ўринларини ҳисобга олган холда корхона бошлиқлари, идора ва ташкилотлар, вазирликлар миқиёсида ишлаб чиқилади (3.2.1 расм). Шу билан бир қаторда янги иш ўринларини яратишнинг манзилли дастури, тармоқлар модернизацияси, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, йиллик инвестеция дастури, худудлар миқиёсида кичик бизнис ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури, инфраструктура, транспорт ва алоқа тизимини ривожлантириш чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Дастур ижросини таъминланганлиги мониторинги қўйидагicha тақисмланган:

- “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги – дастур параметрларини худудий ва тармоқ доирасида амалга оширилиши юзасидан мониторинги;

- Қорақалпоғистон Республикаси, туман, вилоят, шаҳар хокимиятларининг янги иш ўринларини яратиш тўғрисидаги параметрлар ижроси;

- Хўжалик бошқарув органларининг дастур ижроси мотиторинги олиб борилади.

Шуни такидлаб ўтиш керакки, янги иш ўринларини яратиш механизимида асосий эътибор ялпи бандликни таъминлашга қаратилган. Яратилаётган янги иш ўринлари учун молиялаштириш манбанбалари, рағбатлантириш омиллари, субсидияларнинг жорий этилиши дастурнинг

истиқболини белгилайди. Хусусан, дасур доирасида яратилган янги иш ўринларининг аксарият қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Уларининг асосий қисми коллеж битирувчиларига берилган кредитлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еиштириш, чорва молларини етиштириш асосий ўринни эгаллайди.

Яратилган янги иш ўринларининг таркиби қуидагicha:

- Савбдо, транспорт хизмати, мавсумий ишларда бандлик таъминланган, яъни юридик мақомга эга булмаган соҳаларда бандлар салмоғи ошган;
- Олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар наъминкулатурасида саноат учун хизмат қиласиган кадрларнинг салмоғи кам, касб хунар коллежларининг асосий қисми транспорт, касаначилик соҳаларига ихтисослашган.

Миллий иқтисодиётимизда норасмий иқтисодиётида банд бўлган аҳоли таркибини куйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Дехқон хўжаликлари аъзолари (юридек шахс сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият олиб бориш);
2. уйда пуллик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шахслар (энагалик қилиш, хайдовчилик қилиш в.х);
3. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оиласа ёрдам бериш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар в.б.

Норасмий иқтисодиётда бандликни камайтириш мақсадида қорамол боқиши билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга имтиёзли кредит бериш, маҳсулотларини товар биржаларида сотиш имкониятини бериш орқали, меҳнат муҳофазаси таъминланди, меҳнат фолияти иш стажига хисобга олинди, пенсия жамғармасига пул ўтказмалари йўналтирилди.

2007 йилда саноат иишлаб чиқаришда банд бўлган ахолининг сони кескин камайган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган даврда жаҳон бозоридаги талабнинг кескин тушуши натижасида ишлаб чиқаришдаги меҳнат ресурслари жами 105 минг кишига қисқарди. Хусусан, 2005 йилга нисбатан ишлаб чиқаришдаги бандлар сони ишлаб чиқишида-50

%гача, пахта толасини ишлаб чиқаришда-70 %гача, пайпоқ ишлаб чиқаришда -40 %гача камайган. 2009 йилга келиб 205,3 минг кишига камайиш янада давом этди, 2010 йилда 150 мингга камайган булса, жаҳон молиявий инқирозга қарши дастурлар натижасида 35,5 минг ишчи ўрни яратилди.

Икътисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни деверсификациялаш, машинасозлик саноати учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқари саноатда банлар сони ошди. 2011 йилда яратилган 80 минг янги ииш ўринлари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда яратилган (соғлиқни сақлаш тизимида 36 мингга камайган).

2005-2011 йилларда яратилган янги иш ўринларининг 85 %и ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилган. 2011-2015 йиллар давомида Республикада яратилган янги иш ўринлари сони 4,1%га ошган. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси барча худудларда ҳам мутаносиблик таъмингланган. Айниқса ишсизлик даражаси юқори бўлган Қорақолпогистон Республикаси(6,9 % ишсизлик даражаси)да яратилган иш ўринлар сони 4,0 %га кўпайган. Энг юқори янги иш ўринлари Тошкент шаҳрига тўғри келиб, ўртачадан 3 баробар кўпни ташкил этади. Аҳолиси зич бўлган Фарғона вилоятида бу 1,8 %га ошган.

Прогнозларга кўра 2010-2030 йилларда ривожланаётган мамлакатларда меҳнат ресурсларининг сони 1,1 %га ўсиши кўзатилса, ривожланган мамлоакатларда бу кўрсаткич 0,34 %ни ташкил этилиши кўзатилмоқда.⁴⁸

Мехнат ресурсларинг миқдорий ўсиши ва урбанизациялашув билан тескари боғлиқликка эга. Ишлаб чиқаришда техника технологиянинг ривожланиши натижасида меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш соҳасидан хизмат кўрсат соҳасига оқиб ўтиши жаҳон тажрибасидан мълум. Демак, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш меҳнат ресурсларининг мослачувланлигини оширад экан.

⁴⁸ Жаҳон банки ходимлари хисоблари бўйича, БМТ маълумотлари асосида

39 та саноат тармоқларида 36 турдаги мекнатда бандликни 7 та саноат тармоғининг хиссаси катта, яни кимё саноати, ўрмон хўжалиги ва ёғочни қайта ишлаш саноати, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт ва алок соҳаларидир. Шуни алоҳида такидлаш керакки, автомобелсозлик саноати қолган саноат тармоқларини мултиплекатори ҳисобланади. Автомобел саноатида яратилган битта иш ўрини қолган 7 та саноат тармоғида иш ўрини яратишга имкон беради. Автомобел саноати учун бутловчи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш истиқболли саналади.

Юқоридагиларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларини ҳисобга олиш мақсадлидир:

1. саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастур доирасидаги хуқуқий базани янгилаш, имтиёзлар миқдори, талабларини қайта қўриб чиқиши, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштирувчи омиллар, рафбатлантируви дастакларни кенг жорий этиш;
2. кооперация асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенг жорий этиш мақсадида шу соҳа фаолияти билн шуғулланувчи институт жорий этиш;
3. кооперациялар ўртасидаги ахборот алмашинувини такомиллаштириш, сертификация, лизинг, стандартлаштириш тизимини ислоҳ этиш;
4. саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, ўзаро боғлиқ бўлмаган импортиёрларни, бозорларни аниқлаш;
5. Ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш орқали ташки савдо шароитларини эркинлаштириш;
6. саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш дастурига критилган лойихаларда маҳсулот рақобатбардошлиги, халқаро стандартларга жавоб бериши, таннархининг пастлиги, инновацион ишланмалардан кенг фойдаланганлигига асосий ўргу бериш ва б.

ХУЛОСА

Магистрлик диссертация тадқиқоти натижаси асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш-саноат ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида импорт шаклда харид қилиш орқали қўлланувчи деталлар, бутловчи қисимлар, яrim тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёнини янада жадаллаштришни талаб этади;
2. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастурининг муваффакиятли амалга оширилиши иқтисодиётда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ҳудудлараро саноат кооперациясини кенгайтириш (шу жумладан кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида), маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида импорт ўрнини босувчи ва ички бозор талабини зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминловчи юқори технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимини яратиш, валюта маблағларини иқтисод қилиш ва улардан рационал фойдаланиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминланади;
3. Машинасозлик саноати ўз атрофига бошқа тармоқларни бирлаштириб, саноат коопирациясини оптималлаштиради. 2030 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 2014 йилга нисбатан ҳисоблаганда 22 %га ошиб қарийиб 37,3 млн кишни ташкил этади. Мехнатга қобилиятли аҳоининг, ишчи кучининг бутун аҳолининг 67 % дан ортиқ қисмини ташкил этишни аниқлаш мумкин (2014 йилда бу кўрсаткич 58%ни ташкил этган). Маълумки, дунё мамлакатларининг 78 % устида меҳнат ресурслари ва даромад ўртасидаги боғлиликни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотга кўра меҳнат ресурсларининг 1 % га қисқариши, даромаднинг 1,46 %га қисқаришига(ёки меҳнат ресурсларнинг 1%

кўпайиши, даромаднинг 1,46%га кўпайишига олиб келади) олиб келиши аниқланган.

Охирги тенденцияларга кўра, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида 2010-2020 йилларда 2,3 млн янги иш ўринлари(5 та иш ўринидан 4 тасида), 2030 йилга бориб хизмат кўрсатиш соҳасида 4,5 млн янги иш ўрини хамда ишлаб чиқариш секторида эса 1,7 млн янги иш ўрини яратилишини прогнозлаш мумкин. 2036 йилгача меҳнат ресурсларининг сони ошиб боради 2036 йилнинг ўзида 68,5% аҳоли меҳнатга лоёқатига эга булади. Агар иқтисодий тенденция охирги ўн йиллик бўйича давом этса, 2030 йилгача савдо, умумий овқатланиш кабиларда (1,4 млн), таълим, маданият, санъат, фан ва илмий тадқиқот (0,9 млн) соҳаларида, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳасида (0,8 млн), соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимой соҳада(0,6 млн) ва транспорт ва алоқада(0,4 млн) янги ишчи ўрни яратиш имкони пайдо булади. Бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида 1,1 млн ишчи ўрни, қишлоқ хўжалигига эса 0,4 млн ишчи ўрни яратилиши имкони юзага келади.

Юқоридаги хulosаларга асосланган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

1. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастурига киритилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилиши лозим. Дастурга киритилган корхоналр фаолияти ҳозирда иқтисодий имтиёзлардан максимал фойдаланаётганлиги сабабли уларнинг самрадорлик кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш харажатлари минималлашган. Агар имтиёзлар бекор қилинса нарх бўйича рақобатбардошлик камайиб кетиши қузатилиши мумкин.
2. Саноат коопириациясининг кенгайиши тармоқлар ўртасидаги боғлиқликни кўчайтиради натижада комуникация, менежмент тизимининг мураккаблаштиради. Натижада ахборот комуникация тизимига, интернет хизматларига бўлган талаб оша боради. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган мобил алоқа

- воситаларининг бошқариш тизимини янада такомиллаштириш зарур саналади. Бунда “Банк-солиқ инспекцияси-корхона, ташкилотлар-ишчи кучи-алоқа тизими” занжирини бир тизимга солиш, электорон туловларни ташкил этиш тизимини янада кенгайтириш, ахборот хавфсизлини янада кучайтиришни керак;
3. “GM Uzbekistan” ҚКнинг ишлаб чиқариш кувватини оширишда экспотр географиясини хисобга олган ҳолда, яъни истемолчи талабларини худуий, иқлим, даромади, божхона божлари, тарифларининг кенг ўрганган ҳолда автомобил моделларини ўзлаштиришни кенгайтириш;
 4. Автомбилисозлик саноати корхоналарининг маркетинг тизимини янада такомиллаштириш. Бу орқали махсулотнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш зарур;
 5. Машинасозлик саноати учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқувчи корхоналарининг махсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш, инвестиция оқимини кучайтириш лозим, қушимча корхоналарни ташкил этишни янада такомиллаштириш;
 6. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган махсулотларни ишлаб чиқариш тизимиға ишлаб чиқариш воситаларини ҳам ишлаб чиқариш комплексини ҳам босқичма-босқич киритиб боришни йўлга қўйиш зарур;
 7. Янги иш ўринлари ва унинг самарали фаолият йуритишини таъминлашда меҳнат биржаларининг фаолиятини такомиллаштириш;
 8. Яратилган янги иш ўрнида ишлаётган ҳар бир ишчининг меҳнатига ҳақ тулашда меҳнат унумдорлиги билан биргаликда унинг касбий куникмасини боҳоловчи мезонларини ишлаб чиқиш лозим.
 9. қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналарини бевостиа жойлаштириш;
 10. ишчи кучи бозорида рақобатга қодир бўлмаган ногиронларининг меҳнат қилиши ва касб-хунар эгаллашлари учун шароит яратилиши;

11. ишчи кучи ортиқча ёки ишчи кучи етишмовчилеги мавжуд жойларида ички меҳнат миграциясини жорий этиш орқали самарали меҳнат тақсимотини ташкил этиш;
12. Жойлардаги меҳнат ва бандлик бўлимлари фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш билан бир қаторда иш жойларига бўлган эҳтиёжни меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф баланси, демографик жараёнлар таҳлилини олиб бориш лозим;.
13. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш натижасида бўшаб қоладиган ходимлар ҳисоб-китобига алоҳида эътибор қаратилиши структуравий ва фрукцион ишсизликни тартиблашга алоҳида эътиборни кучайтириш;.
14. Ишлаб чиқариш жараёнига инновацион янгиликларни ва инвесцияларни жорий этишни кенгайтириш саноат тармоқларини капиталлашувини ошириши билан биргаликда кадрларнинг инновацияларга мослашини талаб этади. Шуни инобатта олган ҳолда кадрларнинг професионал билимларини ошириш, касбий малака маҳоратларини оширишни янада кенгайтириш лозим.
15. Саноат тармоқлари таркибида яратилган ярги иш ўринларининг самарадорлигини аниқловчи тизимни ташкил этиш лозим. Бунда яратилган ҳар бир янги иш ўрнининг маржинал харажатлари ва маржинал фойдасининг таҳлилини олиб боришни кўзда тутиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. РАСМИЙ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.-Тошкент.: “Адолат” 1996. 263 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрири).

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мехнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. –Тошкент: 2007. 15 май, 97- сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2007. 24 май, 106- сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида” ги 2012 йил 5 декабрдаги СҚ-344-ИИ-сонли Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиилкни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 марта ПҚ-308 сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги "Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотларини фаолиятини кучайтириш ва бандликни ошириш" тўғрисидаги 616-сонли Қарори .

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. – Тошкент: 2007 йил 6 апрель.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2302-сонли Қарори.

6. Постановление Президента Республики Узбекистан от 22 июня 2006 года. №ПП-386 «О Программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на базе местного сырья на 2006-2008 годы».

7. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ 1236 сонли қарор

8. "2011-2015 yillarda O'zbekistan Respublikasi sanoatini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari tug'risida"gi O'zbekistan Respublikasi Prezidentining 2010 yil 15 dekabrdagi Щ-1442-sonli Karori.

9. O'zbekistan Respublikasi Prezidentining 2011 yil 24 avgustdagи "Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirishga doyir qushimcha chora-tadbirlar tugrisida"gi PF-4354-сонли Farmoni

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республиксининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ 2270 сонли Қарори

11. «Об Инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2015» ПП 2264. 17 ноября 2014 г
12. “2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналши бўйич ахаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир чора тадбрлар тўғрисида” Конун хужжатлар туплами №7(676) 2017 йил 28 феврал
13. О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы ПП-2698 26 декабря 2016 г
14. О программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2015-2019 годы ПП-2298 12.02.2015 г
15. Прогноз Постановление Президента Республика Узбекистан 27 декабр 2016 г ПП 2699
- II. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР.**
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ ВА
МАЪРУЗАЛАРИ**
1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б
 2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б
 3. Каримов И.А. Ўзбекистонниг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б
 4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.
 5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

- 6.** Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.
- 7.** Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-80 б.
- 8.** Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. –Т.: “Ўзбекистон” 2011.
- 9.** Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
- 10.** Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 64 б. Ўзбек ва рус тилларида.
- 11.** Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” Тошкент.Ўзбекистон. 2015.
- 12.** Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь
- 13.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамалакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

III. ИЛМИЙ МОНОГРАФИЯЛАР.

1. A.Vaxobov, Sh.Xojiboqiyev “Xorijiy investetsiyalar” –Т.: 2011
2. A.Vaxobov, Sh.Xojiboqiyev “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” –Т.: 2012
3. А.Н. Нанавян «Структура занятости населения:динамика и тенденции развития » Угрозы и безопасность №17(158)-2012
4. Стрелкова Л.В., Кабанов С.С.О влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике.//”Социальные науки”,2011.№1.-С.147-150
5. А.И. Гаврилов. Региональная экономика и управление. М.: ЮНИТИ, 2002, С. 26.
6. Таджиева С.У. Региональные особенности производства и преработки зерна // Экономика и финансы.-Москва,2003.-№13.-С.67-70.
7. Таджиева С.У., Гиязова Н.Б. Развитие локализующих производств в регионах Узбекистана // Двадцатые международные Плехановские чтения:Тез.докл.-М.,РЭА им. Г.В. Плеханова,2007.-С.164.
8. Пузакова Е.П Мировая экономика и международные экономические отношения. -Ростов –на –Дену.:Феникс,2004.
9. Абдураҳмонов Қ.Ж. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик.-Тошкент: Меҳнат, 2010.
10. Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда. Учебник. М.: ЮНИТИ, 1999.-407 с.
11. Абдуганиев А., Толаметова З.А. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: “Меҳнат”, 1998. 96 б.
12. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в Западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИНИОН; Центр науч-информ. Исслед. Глобальных и региональных проб.; Отд.Зап. Европы и Америки; Былов В.Г. (отв.ред.). –М., 2002.-204 с. –(Актуальные проблемы Европы; Европа. XXI век. /Редкол.: Пархалина Т.Г. (гл.ред.) и др. ИСС № 235-5626; 2002, №3).

13. Рональд Дж. Эренберг., Роберт С.Смит. Современная экономика труда. (теория и государственная политика) М.: Изд-во МГУ, 1996.-800 с.
14. Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики: Учебн. Пособие. –М.: Финансы и статистика, 2006.-480 с.: ил.
15. Вереникин А.О. Занятость и государство в переходной экономике. –М.: Экономические факультет, ТЕИС, 1998.-115 с.
16. Экономика труда: (социально-трудовые отношения)/ Под ред. Н.А.Волгина, Ю.Г.Одегова.-М.: Издательство «Экзамен», 2003.-736 с.
17. Социальная статистика: Учебник. / Под ред. Чл.-кор. РАН И.И. Елисеевой. -3-е изд., перераб. и.доп.- Финансы и статистика, 2002. -480 с.: ил.
18. Плакся В.И. Безработица: теория и современная российская практика (социально-экономический аспект). –М.: РАГС, 2004.-384 с.
19. Рынок труда. Учебник. /Под ред. проф. В.С.Буланова и проф. Н.А.Волгина. –М.: Экзамен, 2000. -448 с.
20. Расулова Д.В. Ишчи қучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари.-Т.: Молия, 2010. 276 б.
21. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Лунева Н.К. Рынок труда (практическая макроэкономика труда). Учебник.-М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2007.-900 с.
22. Сайдов К.С., Сейтмуратов А., Асланова Д.Х., Исхокова С.А. Социал иқтисодиёт.-Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2006.-366 б.
23. Толаметова З.А Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари . Тошкент. Иқтисод 2014
24. Инсон тараққиёти.Дарслик и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: “Фан ва технология”, 2013.
25. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. Абулқосимов Х.П. ва бошқалар. –Т.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
26. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. –М.: 1978.
27. Проблемы занятости и трудовой миграции в странах ЕВРАЗЭС: Материалы научно-практической конференции. Под общ.ред: Э.Х.Якубова-

Т.: Издательско-полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма. 2007.-240 с.

28. Доклад о мировом развитии 2013. Занятость. Обзор. Вашингтон, 2013.с.
29. Глобал эмплоймент трендс 2013: Ресоверинг фром а сезонд жобс дип/ Интернатионал Лабоур Оффисе. Генева: ИЛО, 2013.
30. Якубов И.А. Экономические механизмы эффективного использования природно-экономического потенциала в целях совершенствования структуры экономики регионов. Материалы Республиканской научно-теоретической конференции 26 сентября 2006 года. Т., 2006
31. Жалилов Т.А.,Ражабов Р.Б., Юнусов Т.Д., «Состяние и преспективы развития автомобильний промышленности Республике Узбекистана» - Центр экономических исследований, 2013.
32. Азат Икромов «Куда двигать автопром ?» -Т.: Экономическое обозрение № 9 (166),2013
33. Д.Агелова «Кооперационные связи и локализация» -Т.:Халк сузи,2013
34. Г.Алимова «Создание кластеров как метод эффективного развития локализации» -Т.:Биржа эксперта,№ 6,2011
35. M.G.Umarxadjayeva "Mahalliy korxonalarni tashkil etish va raqobotbardoshligini oshirishning muammo va yechimlari" –Т.: Maqolalar to'plami,2012
36. Р.Тагиров. «В начале 2014 года отественный производитель автомобилей ЗАО «GM Uzbekistan» планирует начать выпуск нового автомобиля марки « Chevrolet»,которым станет Chevrolet Orlando» -Т.: Avto Olam, декабрь 2013
37. S.Safarov. “GM Uzbekiston” ning muhim qismlaridan biri. –Т.:Avto Olam, 2013-yil yanvar
38. Shekoofehn Farahmand “Spatial effects of localaiziation and urbanization economics on urban economic growth in Iran” Jurnal of Geography and regenal planning Vol. 4(5) 12 fevruary, 2012

39. Абдурахманов К. Три кита формирования национальной экономики.// Правда Вос тока. От 18 декабря 2007 года, № 245(26186). С.1-3.
40. P. Abduaupov “Qo’shma korxonalar faoliyatini moliyalashtirish manbalarini boshqarish modellari” – Т.: “O’zIA”-“EVU” 1/2011
41. Среднесрочный обзор на высоком уровне. Доклад ЮНКТАД. срок пятая сессия. Женева, 1998г. 12 октября 14 с
42. Douth, Wolfgang “Agglomeration and regional employment growth”- IAB-Disscussion Paper , №7/2010
43. Roberta Basile “Agglomeration economics, industry structure and employment growth: evidence from semi-parametric geo-additive models” July 3, 2012
44. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. – London: Georg Allen & Unwin, 1962. – P.822.
45. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933. – P.625.

IV. СТАТИСТИК ТҮПЛАМЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қумитаси “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик туплами ” –Т.: -2015
2. Центральная Азия-2010. Перспективы человеческого развития. ПРООН.-Т., 2000. с. 236.
3. Узбекистан в цифрах 2013. Статический сборник. -Т., 2014-179 с.
4. Узбекистан в цифрах 2014. Статический сборник. -Т., 2015
5. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. стат.сб.-Т.: Узбекистан, 2011.-136 с.
6. Казахстан сегодня /Агентство Республики Казахстан постатистике. – Астана, 2011. – 245 с.
7. Казахстан в 2012 году /Статистический ежегодник Казахстана. – Астана: 2013. – 345 с.

V. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ.

1. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.
2. www.gow.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.
3. <http://oe.cd/disclaimer>
4. www.unictad.org
5. www.uzavtosanoat.uz
6. WWW.press-service.uz
7. www.cbu.uz
8. www.economist.com
9. www.patent.uz/uzb/stas
10. <http://www.norma.uz>